O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 3-fevral, chorshanba ● №6 (659) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

Бахтли яшамоқ учун қалбда улуғ мақсадлар бўлиши лозим, деганди машҳур адиблардан бири. Ана шу олий мақсадга эришиш ҳисси инсонни доимо юксак парвозларга чорлайди. Ёшликнинг бебаҳо фаслини бесамар ўтказмасдан, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган инсон келажаги учун мустаҳам пойдевор ҳозирлаши аниқ.

➪ 3-бет

КЎЗЛАР НУРАФШОН — КЎНГИЛ ЧАРОҒОН

Шифохонанинг кўп жилдли "Таклиф ва мулоҳазалар дафтари"ни варақлар экансиз, бу жамоа қанчадан-қанча инсонларни ёруғ оламни кўриб яшашдек бахтга муяссар этганига, минглаб умрларга барокот киритганига амин бўласиз. Ҳаяжонланасиз, таҳсинлар айтасиз.

➪ 6-бет

НАВОИЙ НАЗМИҒА БОҚСАНГ...

Менинг назаримда, Навоий шеърлари афсонавий Искандар кўзгусига ўхшайди. Ривоят қилишларича, Искандар улкан кўзгу ясаб, бу кўзгу воситасида Доро мамлакатидаги сир-асрордан огоҳ бўлиб, шу тариқа ушбу мамлакатни фатҳ қилган экан. Форс адабиётидан хабардор одам ҳам Навоий ғазалларини ўқиганда шу ҳолат кўнглидан кечади.

➪ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10-12 февраль кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 27 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

- **27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.**

- 29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.



ШАРҲ

ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ўтган ҳафта йирик сиёсий воқеаларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси тафсилотларини ҳар бир юртдошимиз катта қизиқиш билан кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов иштирок этиб, «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди.

Халқимиз қадим-қадимдан эртагу достонларида адолат устувор малакатда яшаш орзусини ифодалаб келади. Таъбир жоиз бўлса, бугун биз барпо этаётган кучли фуқаролик жамияти аждодларимизнинг орзуси бўлган. Халқимиз бу йўлда амалга оширилаётган ишларни, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини кенг қўллаб-қувватлаётганини яқинда бўлиб ўтган сайловларда фаоллик кўрсатиб намоён этди. Юртбошимиз бу ҳақда гапирар экан, жумладан, шундай деди: «Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан — иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларининг ўзи — ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади».

(Давоми 2-бетда.)

БУНЁДКОРЛИК

Меҳр ва садоқат кўзгуси

Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида жаҳон жамоатчилиги кўз олдида жадал ривожланиб, халқнинг турмуш шароити, ҳаёт фаровонлиги кун сайин яхшиланиб бормоқда.

Босиб ўтилган қисқа муддатда Қамчиқ довони узра бунёд этилган халқаро автомобиль йўли, Жанубий ҳудуд бўйлаб қурилган ва халқаро аҳамиятга эга бўлган темир йўл, Андижон ва Самарқанддаги автомобиль заводлари, пойтахтимизда қад ростлаган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, "Ватанга қасамёд" мемориал ҳайкали, ҳашаматли коллежлар, лицейлар, маданият, санъат саройлари, янги қишлоқлар, ерларнинг ўз эгалари — фермерларга қайтариб берилиши, миллий тил ва диннинг қайта тикланиши, маънавият-маърифат ва адабиётга катта эътибор қаратилаётгани — ҳамма-ҳаммаси давлатимиз раҳбарининг Ватан олдидаги буюк хизматлари, мамлакат равнақи бўйича танлаган ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли, озод ва обод юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатлари, бир сўз билан айтганда, чуқур ва пухта ўйлаган доно сиёсатнинг натижаси бўлиб, халқнинг ўз Президентига бўлган ишончини, ихлос-эътиқодини тобора мустаҳкамлаяпти.

Яқинда Улуғнор туманидаги Қобилжон Маҳмудов бошчилик қилаётган фермер хўжалигида бўлганимда, бир вақтлар қуш учса, қанотини, одам юрса, оёғини куйдирган қумтепалар ўзлаштирилиб, ҳар гектар ердан юқори ҳосил олинаётганига гувоҳ бўлдим. Ваҳоланки, собиқ советлар даврида бу ерлардан арзимаган ҳосил олинарди, холос. Бу давлатимиз раҳбариятининг фермерликни ривожлантиришга кенг йўл очаётгани ва катта имкониятлар яратиб бераётганининг мевасидир.

(Давоми 2-бетда.)



2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ДУНЁГА БЎЙЛАЁТГАН МАСКАН

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети фаолиятига бир назар

Инсоннинг кундалик эҳтиёжларидан бири ахборот олишдир. Одамлар орасида ўзаро ахборот алмашинуви инсон тафаккурининг бойишига, жамият тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. Кўпчилигимиз ахборотни (янгиликларни) матбуот, телевидение ва радио орқали олишга ўрганиб қолганмиз. Аммо ҳозирги кунга келиб мобиль телефони, пейжирларнинг яратилиши ахборот алмашинувининг суръатини шу даражада тезлаштириб юбордики, бир янгиликни эшитиб, уни таҳлил қилишга улгурмасимизданоқ, иккинчиси омма орасида кенг тарқалмоқда. Бу бир қарашда яхши. Негаки, журналистиканинг тамойилларидан бири ҳам тезкорликдир. Иккинчи томондан, бу бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, бугун барча ахборотлар аниқ ва тўғри тарқатилаяпти, деб бўлмайди. Бундан ташқари маълумотларни қўшиб, бўрттириб ёзиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Оқибатда турли баҳс-мунозаралар, тортишувлар келиб чиқмоқда. Мана шундай пайтларда жамиятда малакали, билимли, профессионал журналистларга кучли эҳтиёж сезилади. Ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, бугун республикамизда журналист кадрларни тайёрлаш қай аҳволда? Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Саволларимизга жавоб топиш ниятида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига бордик.

Мазкур илм маскани 1999 йилда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган.

4 »

КУЗАТУВ

ГАЗЕТХОННИНГ ИСТАГИНИ ЎРГАНАЯПМИЗМИ?

Бир киши катта-катта умидлар билан газетага обуна бўлса-ю, ўша нашрни йил давомида варақлаб, ўзи хоҳлаган, маънавий эҳтиёжини қондира оладиган бирор мақола топа олмаса... Ёки журналист эртаю кеч заҳмат чекиб мақола ёзса-да, уни ҳеч ким ўқимаса... Унда газетада ишлашдан не наф-у, обуна бўлишдан не маъни?!

"Халқнинг кўксида димиқиб ётган аломат ва жуда-жуда зарур гапи кўп бўлиши турган гап. Ҳақиқий ёзувчининг қулоғи мана шу халқнинг кўксида бўлмоғи керак", — дейди атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор. Хўш, бугун ҳақиқий журналист кимни тинглаши ва нимани ёзиши керак?

Назаримда, ҳар бир журналист, энг аввало, юқоридаги саволга аниқ ва тўғри жавоб топа билмоғи керак. Бундан ташқари, ҳақиқий журналистнинг асосий вазифаларидан яна бири матбуот самарадорлигига эришишнинг қулай йўли ҳисобланган аудитория психологиясини ўрганиш, уни мунтазам кузатиб боришдир. Газетхон руҳиятини ўрганиш давомида ўз-ўзидан аудиториянинг талаб ва эҳтиёжлари маълум бўлади. Бунга амал қилган бош муҳаррир ва нашрнинг бошқа ходимлари ҳеч қачон ўз муштарийларини йўқотмайди. Аксинча, улар сонини доимий равишда ошириб боради.

— Журналист, хоҳласа-хоҳламаса, психологдир. У билдираётган ҳар бир фикр тингловчи, томошабин ёки ўқувчининг руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Матбуот мисолида оладиган бўлсак, газетхон бирор мақолани ўқир экан, онги ўша фикрларни қабул қилмаслиги, ҳатто уларга қарши бўлиши мумкин. Аммо унинг ўзи ҳам онгости қатламлари буйруқларини сезмай қолади. Шундай қилиб, ахборот берувчи ана шу ихтиёрсиз буйруқлар таъсирида ўз мақсадига эришади. Яъни мақолани ўқиган одам ўз-ўзидан ундаги фикрларнинг таъсирига тушиб қолади, — дейди психолог Ганжи Бердиев. — Шунинг учун журналистлардан ахборот тарқатишда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади.

3 »

МУЛОҲАЗА

ҲАВОГА СОВУРИЛАЁТГАН БОЙЛИК

Ҳозирги кунда юртимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида чойхона, кафе, ресторанларни учратиш мумкин. Бундай жойларда яқин дўст ва қадрдонларнинг бир пиёла чой устида дийдорлашиши, ширин суҳбатлар қуришига нима етсин! Кўпдан бери юз кўришмаган қадрдонларнинг дийдорлашувидан ҳам ёқимлироқ учрашув бўлмаса керак дунёда. Аммо шуниси ҳам борки, бу каби масканларга йиғилаётган одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳар доим меъёр деб аталган олтин қоидага амал қилавермайдилар...

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ибрати ила мозийга қайтиб иш кўрадиган бўлсак, аслида, чойхоналар асрлар давомида жамиятнинг муҳим муаммолари ҳал этиладиган, ёши улуғ инсонлар машварат ва кенгаш ўтказадиган маскан бўлиб келган. Одамлар шунчаки вақт ўтказиш учун эмас, билъакс, элу юрт тақдирига дахлдор масалаларни ҳал этиш учун йиғилганлар ёки у ерда нафис мажлислар — қўшиқ ва аския базмлари ўтказилган. Афсуски, сўнгги пайтларда баъзи чойхоналаримиз ўзининг тарихий вазифасидан узоқлашиб, кўпроқ вақтни бекор ўтказувчилар маскани бўлиб қолди. Чойхона ва кафелардаги ҳолатни холис кузатган одам фикримизга қўшилиши табиий.

"Ичкилик — умр заволи, барча ёмонликларнинг онаси", — деймиз. У келтираётган офатбалоларга бот-бот шоҳид бўлиб турибмиз ва бу ҳақда такрор ёзиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Айрим пайтларда чойхонаю ресторанларнинг тинчлигимиз ва осойишталигимиз қушандаси — ичкилик уяси бўлиб қолаётгани ташвишга солади кишини. Хавотирни икки ҳисса оширадиган жиҳати, бундай масканларнинг мижозлари сафида ёшларнинг кўпайиб бораётганидир.

7 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Меҳр ва садоқат кўзгуси

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўша куни тушлик дастурхонида чўлқувар оқсоқол деҳқонларнинг Президентимиз ҳақига қилган дуолари қалбимда муҳрланиб қолди.

Куни кеча эса Шаҳрихон тумани ҳокими Фазлиддин Расулов менга телефон қилиб: "Бир келсангиз. Абдубий қишлоғида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурига мувофиқ 20 та замонавий уй қурдик. Қурилиш охирига етаяпти, кўриб кетардингиз", — деб қолди.

Бордим. Қишлоқнинг шундоқ марказида бир шаҳарча кўринишидаги ажойиб лойиҳа асосида қурилган уч ва тўрт хонали 20 та уй қад ростлаб турибди. Сўнгги пардозлаш ишлари қизғин давом этаётган экан. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамманинг кайфияти соз. Одамлар қуршовида суҳбатга киришиб кетдик. Савол-жавоблардан, миннатдорчилик сўзларидан, шоирман-да, эҳтиросим ичимга сиғмай қолди.

Абдубий қишлоғи жуда қадимий бўлиб, унинг ўтмиши Кўқон хонлиги тарихига бориб тақалади. Бу ерда асосан ўтроқ аҳоли яшаган. Уларнинг ота-боболари, аждодлари янги қурилаётган мана бундай муҳташам замонавий уйларни тушларида ҳам кўришмаган. Янги уй эгаларидан бири Ғуломжон Қобулов кўзида миннатдорчилик ёшлари билан юракдан тўлқинланиб гапирди: "Қуръони карим"да "Яхшиликнинг ажри яхшиликдир", — дейилган. Давлатимиз, шахсан Юртбошимиз Ислом Каримов бизга шундай яхшиликлар қилаяптиларки, унинг жавоби фақат яхшилик, меҳру садоқатдир. Туман ҳокими гапга аралашиб: "2010 йилда ана шундай уйлардан яна 30 та қурамиз, мана, гувоҳи бўлдингиз, бу уйлар қиммат эмас. 3 хоналиси 53 миллион сўм, 4 хоналиси 57 миллион сўм туради. Хоҳловчилар уй нархининг 25 фоизини аввал тўласалар, бас, қолган қисмини эса 15 йил ичида астасекин тўлайверадилар", — деди.

Юқорида келтирилган мисолларни юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига нисбатан дарёдан томчи, десак, муболаға бўлмайди.

2010 йил Президентимиз таклифи билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Бутун мамлакат бу юксак орзу, эзгу ниятни амалга ошириш учун камарбаста бўлмоқда.

Юртбошимизнинг халқига бўлган меҳрмуҳаббати иймон-эътиқодга айланди.

Буни меҳр ва садоқат кўзгуси, деса, бўлади!

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўтган йиллар мобайнида республикамизда демократик сайловларни ўтказиш, икки палатали парламент фаолиятини тўғри йўлга қўйиш юзасидан етарли тажриба тўпланди. Мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал ривожланаётган бир даврда — 2004 йили биринчи бор сайланган икки палатали парламентимиз фаолияти ҳаётимизда сезиларли из қолдирди, десак, адашмаймиз. Парламентнинг аввалги таркиби юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этган 250 дан зиёд қонунлар қабул қилди.

Хусусан, парламент оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, очиқлик ва ошкораликни таъминлашда уларнинг фаоллигини оширишга ҳам эътибор қаратиб, шу мақсадда қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари парламентнинг аввалги таркиби йўл қўйган камчиликлар ва янги таркиб олдида турган вазифалар ҳақида гапириб: «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир», — дея таъкидлади. Юртбошимиз бу жараёнда оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

29 ЯНВАРЬ КУНИ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов «Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусида маъруза қилиб, мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 2009 йилда амалга оширилган ишлар туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга, халқ бирдамлиги ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлинганини таъкидлади.

2009 ЙИЛда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 2,3 баробар кўпайди, 120 дан ортиқ янги маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Экспорт ҳажми ҳам 2,4 фоизга ўсди.

2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,7 фоиз, чакана товар айланмаси 16,6 фоиз, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоиз ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан бажарилди, инфляция даражаси эса 7,4 фоизни ташкил этди, яъни прогноз кўрсаткичидан ошмади.

Молиявий инқироз дунё миқёсида ҳамон йирик-йирик компанияларни ўз домига тортаётган, оқибатда, минглаб одамлар доимий иш жойи ва молиявий манбасидан ажралиб қолаётган бир пайтда, узоқни кўзлаб оқилона олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида юртимизда ўтган йили 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шундан қарийб 500 минг иш ўрни қишлоқ жойларга тўғри келади. Нисбатан оғир келган 2009 йилда ўртача ойлик миқдори 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай натижага ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳам ютуқларимиз омилларидан бири бўлди. Зеро, бугун кўплаб юртдошларимиз шу йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Соҳа ривожи йўлида яратилган қулай муҳит ва рағбатлантирувчи омиллар кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50 фоиздан ошишини таъминлади. 2009 йилда маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 2,3 баробар кўпайди, 120 дан ортиқ янги маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Экспорт ҳажми ҳам 2,4 фоизга ўсди.

Кейинги пайтларда минтақамизда электр энергияси бўйича бот-бот муаммоларга дуч келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Собиқ иттифоқдан «мерос» қолган тизим давлатлар орасида ҳам баъзи англашилмовчиликларни келтириб чиқараётган, энг ачинарлиси, бундан асосан оддий аҳоли азият чекаётган эди. 2009 йили Фарғона водийсини ва юртимиз жанубидаги бир қатор туманларни электр энергияси ҳамда табиий газ билан узлуксиз ва ишончли таъминлаш имконияти яратилгани ҳам халқимиз орзуларининг рўёби бўлди, десак, янглишмаймиз.

Ўтган йили халқимиз эришган ютуқлар салмоғи биз эслаб ўтганлардан бир неча ўн марта кўп, албатта. Худди шунингдек, ҳали олдимизда ҳал этилмай турган муаммолар борки, маърузада улар ҳам эътибордан четда қолмади. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига 2010 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар қўйилди. Қолаверса, «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ҳаётга татбиқ қилиш, қишлоқларда уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини, даромадлари ва фаровонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги таъкидланди...

Бундан 19 йил олдин катта карвон йўлига чиққан халқимизнинг орзулари босқичма-босқич ушалиб бормоқда. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ватан равнақи йўлида қилинаётган эзгу амаллар ўз самарасини бераётир. Муносиб марраларни ишғол этиб, юксак чўққиларни забт этиш азми билан бошланган йилимиз янада баракали келишига ишонамиз. Зеро, халқимиз тийнатидаги катта куч-ғайрат улкан бунёдкорликларни амалга оширишга қодир.

Фарҳод ЖАББОРОВ

ПЛАСТИК КАРТА — ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Айни пайтда "Ғарбгазтаъминот" давлат унитар корхонасининг Бухоро туман филиали ҳудудидаги 22 минг хонадонга ҳамда 600 та улгуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб бермоқда.

— Газдан фойдаланганлик учун кунлик тўлов 20 миллион сўмни ташкил этиб, шундан 50 фоизи пластик карточкалар орқали амалга оширилаяпти. Истеъмолчилар 100 фоиз газ ҳисоблагич билан таъминлангани сабабли ҳисоб-китоблар маромида олиб борилмоқда, — дейди филиал бош муҳандиси Муҳаммаджон Бешимов.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Хоразм воҳаси қишлоқларида бунёдкорлик ишлари тобора авж олдирилмоқда. Масалан, Боғот туманидаги Хўжалик қишлоғида 55 оилага мўлжалланган турар-жой биноси қад ростлаяпти. 24 гектар майдонни қамраб олган иншоотни "Янгиариқ қурилиш-таъмирлаш" шўъба корхонаси, "Жайхун қурилиш-сервис" масъулияти чекланган жамияти ҳамда "Боғот саховат" хусусий қурилиш жамоаси бинокорлари амалга ошираяптилар.

Эътиборли жиҳати, мазкур уй-жой бинолари учун аҳолига "Қишлоққурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли кредит ажратилмоқда.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Каттақўрғон туманида жойлашган "Пардоз" масъулияти чекланган жамият томонидан туманнинг олис ҳудудларида жойлашган 2 та умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, "Нисбат" қишлоғида янги 400 ўринли 11-мактабни реконструкция қилишга 656 млн. сўм маблағ сарфланди. "Лайлакхона" қишлоғидаги 240 ўринли 21- мактабда эса 313 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Айни пайтда "Пардоз" МЧЖда 60 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Ташкилот раҳбари Қутбиддин Жўрахолов кейинги йиллар давомида тумандаги 6 та мактабга ҳомийлик қилгани учун республика халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими ҳомийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ОВУЛЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Ўтган йили Кегайли туманида 13700 гектар ер майдони ажратилиб, 20 та турар-жой биноси қурила бошланганди. Ҳозирда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом эттирилаяпти.

Янги турар-жойларни жорий йил баҳорда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. 2010 йилда эса яна 28 та турар-жой биноси қуриб битказилади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КАНАЛ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Яқинда олтин водий деҳқончилигининг асосий қон томирларидан бири бўлган Катта Фарғона каналининг 206 километр узунликдаги ўзани 23 кун ичида тўла таъмирдан чиқарилди. Мазкур сафарбарликка 300 нафарга яқин мутахассислар, механизатор ва ишчилар жалб қилинди.

Айниқса, Катта Фарғона канали бошқармасининг Шаҳрихон, Марғилон ва Қўқон бўлимлари жамоалари тезкорлик ва фидойилик намунасини кўрсатишди. 120 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилиб, барча масофадаги иншоот қирғоқларига бетон ётқизилди. Режадаги 68 та ўрнига 119 та гидропост таъмирдан чиқарилиб, тўғонлар ва дарвозалар, барча иншоотларнинг эскирган, занглаган қисмлари янгиланди. Сув тақсимлаш ишлари унумдорлигини ошириш ҳамда сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик чоралари кўрилди.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

АҲОЛИ ИСТАКЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

402 209 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Ургут туманида ўтган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди.

— Биргина тиббиёт соҳасини оладиган бўлсак, — дейди Ж.Мирзаев номли тиббий бирлашма бош шифокори Фармон Азизов, — ўтган йили аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб, туман ҳокимияти ёрдами билан "Янгиариқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Жарқишлоқ, Ўрамас қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ипакли қишлоқларида янги қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди. Ҳозирда туман бўйича замонавий жиҳозлар билан таъминланган 5 та шифохона, 45 та ҚВП фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича тез тиббий ёрдам кўрсатиш филиали биттага кўпайтирилиб, ўтган йили 2 та Дамас ва 1 та УАЗ 469 русумли машиналар билан таъминланди. 31 та ҚВП — Саломатлик-1, Саломатлик–2 лойиҳалари асосида зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ўз мухбиримиз

ТАДБИР

Маълумотларга қараганда, беш ёшгача бўлган ҳар бир болада даҳолик фазилатлари бўлар экан. Ёш улғайгани сари боладаги бу сифатлар унинг атрофидаги турли таъсирлар туфайли кучайиб борар ёки сусайиб кетар экан. Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бу бежизга эмас, албатта. Президентимиз раҳбарлигида уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб келинмоқда. Ҳатто узоқ қишлоқ ва овуллардаги ёшлар ҳам бу эътибордан четда қолишаётгани йўқ.

Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида қишлоқларимизда истиқомат қилаётган ёшларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини, мулкка эгалик туйғусини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, янги иш жойларини ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда республикамизнинг турли ҳудудларида "Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати" бизнес-лойиҳалар танловини ўтказди.

Яқинда мазкур танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда турли идора ва ташкилотларнинг вакиллари, "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ходимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари ва журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланишича, танлов давомида қишлоқларда истиқомат қилаётган ёшлар орасидан жуда кўплаб иқтидор эгалари кашф қилинди. Ўтган 2009 йилда лойиҳа доирасида жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳларига 1700 нафар ёш тадбиркор мурожаат этган. Уларнинг лойиҳалари бириктирилган комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, энг яхшилари саралаб олинган. Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиш лозим, мана шундай ибратли ишлар жорий "Баркамол авлод йили"да ҳам давом эттирилади.

Шунингдек, тадбир давомида республика босқичида ғолибликни қўлга киритган 13 нафар ёш тадбиркорга имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисида сертификатлар топширилди. Шу билан бирга ушбу ғолиблар ҳомийлар ҳамда ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири

ФОРУМ

Эътиборда ёш журналистлар

Мамлакатимиз раҳбари ОАВ ходимларига "Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғлик қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан", — деган эди.

Дарҳақиқат, журналистиканинг ўзига хос машаққатлари бор. Аммо соҳанинг қийинчиликларига қарамай, ҳақиқий журналист бўлишга интилаётган ёшлар бисёр экани қувонарлидир. Ана шундай — юрагида ўти бор ижодкорлар эса бугун ўзбек журналистикасига янги-янги саҳифалар билан киришмоқда.

1 февраль куни пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида бўлиб ўтган "Баркамол авлод йили: эътиборда ёш журналистлар" ёшлар медиа-форумида ҳам юқоридаги фикрлар таъкидлаб ўтилди. Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган ёшлар ва болалар нашрлари, теле ва радиоканаллари, ёшлар телерадиостудиялари ва матбуот марказларининг журналистлари, ҳудудий нодавлат электрон ОАВ раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг 150дан ортиқ вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиққанлар бугун юртимизда журналистика соҳасига қаратилаётган эътибор, хусусан, ёш журналистларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликлар ҳақида фикр билдиришди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси масъул ходими Танзила Норбоева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуҳолиқов, "Камолот" ЁИҲ кенгаши раиси А.Алимов, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар "Баркамол авлод йили" давлат дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ОАВ ходимлари, шу жумладан, ёш журналистларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, тадбир давомида "Ёшлар парвози" медиамукофоти ғолибларини тақдирлаш ҳамда Ёшлар студиялари ва матбуот марказлари лойиҳаларининг жорий йилдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашга бағишланган грантларни топшириш маросими ҳам ўтказилди. Қолаверса, ёшлар медиа форуми доирасида учта йўналиш бўйича икки кунлик амалий семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Унда ёш теле- ва радиожурналистлар ўзларининг дастлабки муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришларининг концепцияларини ўзаро муҳокама қилишди. Шундан сўнг концепция муаллифлари NTT телетармоғи ва NRT радиотармоғи масъуллари билан бирга 2010 йилда ушбу медиа маҳсулотларни нодавлат телерадиоканалларнинг эфир дастурларига жойлаштириш режасини тузишди.

Бундан ташқари, "Матбуот ва замон" ҳамда "Kelajak-press" ёшлар матбуот маркази лойиҳаси иштирокчилари ҳам ўзларининг ижодий концепцияларини муҳокама қилиб, тайёрлаётган материалларини республикадаги ёшлар нашрларига тавсия этиш ҳақида келишиб олишди.

Умуман олганда, ёш журналистларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда истиқболли таклифлар илгари сурилди ва самарали режалар тузилди. Бу эса соҳага кириб келаётган қаламкашларга янада кенгроқ имкониятлар эшигини очади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Зуҳал РЎЗИЕВА

ЖАРАЁН

ГАЗЕТХОННИНГ ИСТАГИНИ ЎРГАНАЯПМИЗМИ?

(Бошланиши 1-бетда.)

Газетхонни ихтиёрий равишда ўз ортидан эргаштира олишда эса унинг хоҳиш-истаклари, талаблари, умуман олганда, руҳиятини ўрганган таҳририят муваффақиятга эришади. Одамлар кўнглига тугиб юрган, дилида йиғилиб қолган саволларга жавоб бера оладиган газетани муштарий жонжон деб ўқийди.

Дарҳақиқат, файласуфлардан бири айтганидек, биров билан дўстлашишдан аввал унинг кимлигини ўрганиш керак. Хўш, бугунги кунда газеталар жамоатчиликнинг психологиясини қай йўсинда ва қай даражада ўрганаяпти? Бу саволга юртимиздаги марказий нашрлар ҳамда хусусий газеталарда фаолият юритаётган журналистлар қандай жавоб беришади?

Зиёда АШУРОВА, "Халқ сўзи" газетаси ижтимоий-сиёсий ва қонунчилик бўлими катта мухбири:

— Тўғриси, нодавлат нашрлар, хусусан, "кўча газеталари" оддий халққа давлат нашрларига нисбатан яқинроқ. Боиси, бундай газеталар халқни ортидан эргаштирмайди, балки унинг ортидан юради. Одамларнинг айримлари табиатан шундай данғасаки, улар фикрлашни, мулоҳаза юритишни, бирор масала юзасидан бош қотиришни хоҳлашмайди. Уларга енгил-елпи руҳдаги олди-қочди гаплар, албатта, ёқади. Аммо мана шу майда гапларни ёриб чиқиб, кенг тафаккурга эга бўлиш учун бироз изланиш, билим талаб қилинади. Ҳолбуки, айримлар ўқимай, изланмай туриб ҳам ўзларини ақлли ҳисоблайдилар. "Кўча нашрлари" эса одамларнинг ана шундай руҳиятидан фойдаланиб, уни шу ҳолича сақлаб қолишга интилишади. Миш-миш гаплар, ҳеч қандай адабий жанрларга тўғри келмайдиган ёлғон-яшиқ давомий ҳикоялар билан халқнинг ўй-хаёлини банд қилади.

Дунёқараши шундай майда гаплар билан шаклланган одам эса, албатта, "Халқ сўзи"ни ҳазм қила олмайди-да. Биз оддий халққа унинг савиясидан бироз юқорироқ бўлган маълумотлар, сиёсий хабарлар бериб, унинг дунёқарашини бойитишга интиламиз. Шу боисми, тўғриси, аудиториямиз асосан сиёсатдонлар, депутатлар, ҳокимликлар, талабалар, бир сўз билан, зиёли қатлам вакиллари, дейишимиз мумкин.

Очиғи, охирги марта 2008 йили аудитория хоҳиш-истаги, умуман, руҳиятини ўрганиш учун социологик тадқиқот ўтказган эдим. Ўшанда тадқиқотимизни Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида амалга оширгандик. 120 нафар депутатнинг 100 нафари анкета-сўровномамизга жавоб берган. Анкетадаги бир савол ёдимда: "Газеталарда қандай мазмундаги мақолалар кўпроқ чоп этилишини хоҳлайсиз?" Ўшанда кўпчилик иштирокчилар "танқидий мақолалар" бандини белгилашганди.

Ҳақиқатан ҳам халқимиз танқидга ўч. Газетада қандайдир танқидий мақола ўқиб қолса, ҳаттоки, маза қиладиган, оламолам завқ оладиганлар ҳам бор. Ваҳоланки, журналист танқидни кўнгил учун ёзмайди. У қаламга олган иллат давосини топмаса, бу танқиддан не наф?! Қолаверса, тан олиш керак, биз аудиториямизнинг шу талабини тўлиқ бажара олмаяпмиз.

Гулчеҳра УМАРОВА, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг санъат бўлими мудири:

— Журналист аудиториянинг руҳиятига мослашиши керак, деган фикрга қаршиман. Аксинча, журналист давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, аудиторияни ўзига мослаштириши керак. Бунинг учун у газетхондан кўра кўпроқ билимга эга бўлиши, ихтисослашган журналист сифатида ўз соҳасини чуқур билиши ва бу борада қатъий фикрлар, тугал хулосалар айта олиши, керак бўлса, жамоатчиликка таъсир ўтказа билиши ҳам керак. Мисол учун, санъат соҳасида ёзилган мақолани режиссёр ҳам, рассом ҳам, хонанда ҳам, актёр ҳам, оддий уй бекаси ҳам ўқийди. Улар ўз соҳаларини чуқур билишлари мумкин. Аммо санъатнинг барча тармоқларини мақола муаллифичалик ўрганолмайди-да. Шунинг учун улар ўзлари билмаган маълумотларни мазкур мақола орқали ўрганишади. Айтмоқчи бўлганим, ўқувчи журналистга мослашсин, унинг мақолаларини ўқиб янада кўпроқ маълумот олишга эришсин. Яъни биз — журналистлар халқнинг орқасидан эмас, халқ бизнинг ортимиздан эргашсин. Аммо бу — журналист "Мен зўрман", — деб ўз устида ишламай қўйиши, халқнинг талабини ўрганмаслиги керак, дегани эмас. Журналист давр билан ҳамнафас, ҳатто ундан бир қадам олдинда яшаб, жамиятда кечаётган ўзгаришларни теран нигоҳ билан кузатиши, аудиторияни янгиликлардан хабардор қилиб бориши, халқ савиясининг ўсишига хизмат қилиши лозим.

Бу борада хусусий нашрларда фаолият юритаётган журналистларнинг фикри қандай?

Дилшода МАТЧОНОВА, "Даракчи" газетаси бош муҳаррири:

— Бизнинг асосий мақсадимиз — Ўзбекистон медиабозоридаги ўрнимизни сақлаб қолиш ва янада юқори мавқега эришиш. Бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз. Албатта, халқ руҳияти, ўқувчининг хоҳиши биз учун биринчи ўринда. Шундан келиб чиққан ҳолда бевосита газетхонлар орасида сўровномалар ўтказамиз. Қолаверса, йилда бир неча бор рейдлар уюштириб, матбуот дўконларидан "Даракчи" газетасини сотиб олган одамдан нега айнан шу нашрни харид қилгани, ундаги қайси саҳифа, қайси рукнлар кўпроқ маъқул тушаётганини сўраймиз. Бундан ташқари, матбуот дўконлари сотувчиларининг фикрларини ҳам суриштириб борамиз. Чунки улар бевосита халқ билан, харидор билан "тиллашади". Бундан ташқари, газетхонларимиз хат ёки қўнғироқ орқали биздан сўраган ижтимоий мавзулардаги саволларга мутахассислардан, масъул шахслардан жавоб олиб, саҳифаларимизда эълон қилиб борамиз. Биргина шунинг ўзи ҳам газетамиз оддий халқ ва ҳокимият орасида воситачи вазифасини бажара олаётганидан далолатдир.

Яна, бизга келаётган хатлар ҳам эътиборимиздан четда эмас. Бир сўз билан айтганда, халқнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ижод қилмоқдамиз.

Парда ЭРГАШЕВ, "Хазина калити" кроссворд-газетаси бош муҳаррири:

— Биласизми, аудитория руҳияти билан ҳисоблашмайдиган газета узоқ яшай олмайди. Биз ҳамиша буни ўргатиб боришга ва шунга мос тарзда газета чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ҳатто ададни ҳам халқнинг газета ўқиш ёки ўқимаслик кайфиятидан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Мисол учун, қиш фасли халқимизнинг айни газета ўқийдиган, кроссворд ечадиган даври. Чунки бу фаслда кўпчилик уйда, жисмоний меҳнатдан холи бўлади. Ёз фасли эса газетамиз учун анча омадсиз мавсум. Чунки бу пайтда одамлар кўпроқ табиат қўйнида дам олишни хуш кўришади. Яна, кўплар жисмоний меҳнат билан банд бўлади. Шу боис ёзга нисбатан қишда газета адади 3000-4000 нусхага кўпаяди. Эътибор берсангиз, баҳор фаслида кўнгилочар нашрлар "Тоғ сайли", "Лолазордаги муҳаббат" ва шунга ўхшаш мавсумга мос давомий ҳикоялар билан тўлиб тошади. Куз — бозор мавсуми. Шу боисдан мевалар, сабзавотлар билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар берилади. Энг севимли фаслимиз қишда эса кўпроқ детектив ҳикоялар чоп этилади. Умуман олганда, кўнгилочар нашрларнинг ададини сақлаб турадиган асосий воситалардан бири — бу давомий ҳикоялардир. Ҳикоя энг қизиқ жойига келганда серialдаги каби, "Давоми келгуси сонда", деган ёзув пайдо бўлади ва биргина шу ёзув газетхон психологиясига таъсир ўтказиб, ўз-ўзидан келгуси сонни ҳам харид қилишга ундайди.

Яна бир гап. Биз халқимизнинг очиққўнгиллилик "хислат"идан оқилона фойдаланамиз. Таҳририятимизга мактуб йўллаган ҳар бир кишининг исм-фамилияси, албатта, газетамизда эълон қилинади. Газетада ўз фамилиясини кўрган оддий одам руҳланиб кетади ва бор таниш-билишларига айтиб чиқади. Шу жараённинг ўзидаёқ муштарийларимиз сони яна бир нечтага кўпаяди.

***

Гувоҳи бўлганингиздек, ҳар бир таҳририятнинг, ҳар бир журналистнинг аудитория психологиясини ўрганишда ўзига хос усули бор. Аммо тан олиш керак, асосий даромади обунадан бўлган кўплаб жиддий нашрларда газетхон истаги фақатгина обуна мавсумида ўрганилади. Фикримизча, бу йўл газета савиясини кўтариш ва газетхонлар сонини оширишда яхши самара бермайди. Шундай экан, муштарийларнинг талаб ва истакларини йилда бир марта эмас, мунтазам ўрганиб бориш лозим. Газетхон психологиясини ўрганишда бир неча анъанавий усуллар бор. Мисол учун, газетхонлар билан учрашувлар, сўровномалар ўтказиш, таҳририятда чет муаллифлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш (чет муаллифлар ҳам газетхонлар жамоасидан бўлиб, кўплаб муштарийларнинг фикрлари билан таниш бўлади), газета орқали муштарийларга бевосита мурожаат қилиш, в.ҳ.

Соҳа мутахассислари бу борада яна бир неча усулларни тавсия қилишади:

— газетада "Жамоатчилик билан алоқалар" бўлимини ташкил этиш лозим. Агар олдиндан мавжуд бўлса, унинг фаолиятини кенг доирага олиб чиқиш керак;

— кўплаб даврий нашрларнинг охирги саҳифасида ёзилган "Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилмайди", — деган ёзувни ўзгартириш вақти келди! Муштарийларнинг ҳар бир хати эътиборсиз қолмаслиги лозим. Шундагина таҳририятга йўлланаётган хатлар сони ошади. Юртимизнинг турли ҳудудларидан келган хатлар орқали эса нашрнинг қаерда қай даражада мутолаа қилинаётганини кузатиб бориш имкони бор;

— газетанинг ҳар бир сонида муштарийларга мурожаат қилиш ва уларнинг наздида, бугунги сондаги мақолаларнинг энг яхшиси қайси бири эканини ва қай мазмундаги материалларни кутишаётганини сўраш лозим. Аммо таниқли психолог Дейл Карнеги таъбири билан айтганда, бошқалардан бирор нарса талаб қилишдан аввал таҳририят уларнинг эҳтиёжини қондириши лозим. Шундай экан, йил давомида ҳар бир сондаги энг яхши мақолалар рўйхатини ёзиб юборган муштарийлар кейинги йил учун бепул обуна қилинишини эслатишнинг аҳамияти катта.

Бу рўйхатни ҳар ким ўз иш тажрибаси ва имкониятига қараб яна давом эттириши мумкин. Мана шу усулларнинг ҳеч бўлмаганда биттасидан оқилона фойдалана билган таҳририят ўз газетасининг янада ўқишли бўлиши ва ададининг сезиларли даражада ошишига эриша олади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА, "Hurriyat" мухбири

ИСТЕЪДОД

Бахтли яшамоқ учун қалбда улуғ мақсадлар бўлиши лозим, деганди машҳур адиблардан бири. Ана шу олий мақсадга эришиш ҳисси инсонни доимо юксак парвозларга чорлайди. Ёшликнинг бебаҳо фаслини бесамар ўтказмасдан, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган инсон келажаги учун мустаҳам пойдевор ҳозирлаши аниқ.

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИ

«Ҳар ким ижод уммонидан «дур» тополмайди», — дея шеъру шуур сеҳридан ҳикмат излаган Зулфия мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Зебо Нурмонова умрининг олтинга тенг лаҳзаларини илму ижодга бахш этмоқда. У табиат ва ҳаёт шайдоси.

... Кўкламни соғинган дарахтларнинг қуёшга талпиниб гуллашини бир тасаввур қилинг-а? Кўксингизда орзу-ҳавасларни уйғотган турналар овозини юракдан ҳис этинг-чи? Нурлар жаранги, майсалар шивири, ёмғирлар шитиридан тўкилган ҳикматни ақлу шуурингиз, кўзингиз илғай оладими? Ёхуд уйдан олис гўшалардаги ота-она, беғубор болалик, қадрдон қишлоқ соғинчи, уларни қўмсаб ёзилган шеърлар боса оладими?

Бундай шаффоф туйғулар шалоласи бу мурғак тафаккур соҳибасининг қон томирларидан оқиб келади. Унинг шеърий мисраларида она-юртга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини мушоҳада этса бўлади. Бироқ шеърият майдонида ўз овозини топиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун табиатдан завқланиш, шунчаки азобланиб кўнгил кечинмаларини қоғозга кўчириш камлик қилади. Зебохон шеърий мисраларининг бирида таъкидлаганидек, «Ахир шеър ёзишнинг ўзи бўлмайди». Токи шоир бўлишни ҳавас билиб, бироз вақт ўтгач турли баҳоналар билан ташлаб кетаётганлар вақтини беҳуда ўтказмасин. Ижод йўли игна билан қудуқ қазишдек гап. Бунда истеъдод, сабр-бардош, меҳнатсеварлик каби хислатлар мужассам бўлган инсонгина катта ютуқларга эришиши мумкин.

Зебо Нурмонова илк шеърий машқлариданоқ сўз масъулиятини юракдан ҳис этган шоира. Буни барча машаққатлардан ҳайиқмай, олдига олий мақсадларни қўйиб, унга интилиб яшаётганидан идрок этиш мумкин.

— Ижод йўли ўта залворли, шу билан бирга шарафли ҳамдир, — дейди у. — Тарихга бир назар ташлаб, бетакрор ижоди орқали юртимизни дунёга машҳур қилган шоирларнинг ҳаёт йўлларига эътибор берсак, улар бу шарафга айнан истеъдоди ва меҳнати туфайли эришганини кўришимиз мумкин. Шоираликни танлашимда ҳам бизнинг оилада ижодкорларга бўлган чуқур ҳурмат асос бўлди, десам, муболаға бўлмайди. Камтарона шеърларим Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилгани қалбимни ифтихорга тўлдирди. Зиммамдаги масъулият ҳиссини янада оширди. Ҳозир Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олаяпман. Амалиёт ўташ учун юртимиздаги нуфузли газета ва журналларга келганимда, таҳририятда кўпроқ ҳуқуқий мавзуларни ёритадиган мухбирларга эҳтиёж сезганимни ҳис этаман. Шу боис келажакда журналистиканинг ҳуқуқ йўналиши бўйича илмий изланишлар олиб бориш ниятим бор. Қунт ва сабот билан хорижий тилларни ҳам ўрганаяпман. Изланиш, ютуқларга эришишимиз учун биз ёшларга чексиз имкониятлар яратиб берилган. Қолаверса, биз яшаб турган даврда юқори технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб келмоқда. Мен учун бу жараёнда иштирок этиш ҳам қизиқарли, ҳам шарафлидир. Шу билан бирга тенгдошларимни ҳам илм-фан, ижоднинг юксак чўққиларини забт этишларига тилакдошман.

Ҳа, ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлини ўзи белгилайди. Бугун Зебохоннинг камолидан ота-онаси, устозларининг қувонгани бежиз эмас. Хоразм вилояти, Янгибозор туманида туғилган бу қизнинг ютуқларига дугоналари ҳам ҳавас қилишади. Айниқса, шоиранинг «Томчи», «Нилуфар» номли тўпламларига киритилган шеърлар қалбимизга беғубор туйғуларни олиб киради.

Адиба УМИРОВА

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ОАВ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш баробарида мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзуидаги медиа-анжуманда соҳа ходимларининг бу борадаги вазифалари атрофлича муҳокама этилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Миллий телерадиокомпания раиси А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий оммавий ахборот воситаларини муттасил ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, чинакам эркин фикр минбарига айлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муҳим масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қатор қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолати оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларининг қарор топаётганида намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, тобора ривожланиб ва кенгайиб бораётган ахборот маконида нодавлат оммавий ахборот воситаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу жиҳатлар ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шароит яратилгани, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун моддий ва маънавий кўмак кўрсатилаётгани, уларни замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлашда ўз ифодасини топмоқда. Медиа-анжуманда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимояси, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ИИВ ХАБАРЛАРИ

ГЕРОИНФУРУШ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Жиноятга жазо муқаррар. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида амалга оширилган тезкор тадбир натижасида "Бахт" кўчаси 24-уйда яшовчи, 1963 йилда туғилган, аввал судланган М.Бахтиёр Янги турмуш қишлоғи ҳудудида 1 кг. 005 грамм героин гиёҳвандлик моддасини 11 500 АҚШ долларига сотаётганида ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноий иш қўзғатилди.

«ПИШМАГАН САВДО»

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш ва улар билан савдо-сотиқ қилиш шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида вилоят Ички ишлар бош бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида ана шундай жиноятга чек қўйилди. Тошработ маҳалласида яшовчи, 1971 йил туғилган, муқаддам судланган Э.Асат ўз уйи олдида 462,11 грамм симоб моддасини 15 000 000 сўмга сотаётганида қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши очилди.

ҚУРОЛ – ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида яна бир ҳуқуқбузарлик фош этилди. 1973 йил туғилган У. Дилшод ички ишлар бўлимида рўйхатда бўлмаган «ТОЗ» русумли 16 калибрли ов милтиғини олиб юргани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки тергов олди ҳаракатлари бошлаб юборилди.

ЭНАГАНИНГ ХИЁНАТИ

Ишонч – эзгу туйғу. Бироқ оиласи ва фарзандлари тақдирини дуч келган кимсага ишониб топшириш яхши эмас экан. Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларидан бирининг 2-босқич талабаси А.Зиёда фарзандларини 1973 йилда туғилган С.Риммага топшириб, ўқишга кетган. У ички ишлар органларига қўнғироқ қилиб, куша-кундузи икки номаълум шахс эшикни очишни сўраганини, эшик очилганда унинг юзига уриб, зўрлик билан ичкарига киргани ва у ердан ноутбук компьютери ва 8 турдаги заргарлик буюмларини олиб кетгани ҳақида хабар қилади.

Жиноятни очиш ниятида кўрилган тезкор чоралар ўз натижасини берди. Мазкур жиноятнинг содир этилишида энага – С.Риммa «бош-қош» бўлгани аниқланди. Энага ва унинг жиноий шериги Янгийўл тумани Гулбаҳор кўчаси, 62- уйда яшовчи, 1977 йилда туғилган Дониёр қўлга олинди. Тергов давом этмоқда.

Н.ОЧИЛОВ, ИИВ Матбуот маркази бош инспектори

ДУНЁГА БЎЙЛАЁТГАН МАСКАН

(Бошланиши 1-бетда.)

Айни пайтда у ерда 311 дан ортиқ талабалар журналистиканинг сир-асрорларини ўрганишмоқда. Уларнинг 33 нафари эса магистратура бўлими талабалари ҳисобланади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндорлари, Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг борлиги эътиборга моликдир. Бундан ташқари, 40 нафар талаба чет давлатларида ўқиб, билим ва маҳоратини ошириб қайтган. 22 нафар талаба эса Кореянинг KOICA ташкилоти стипендиантлари, LG гранти соҳиблари ҳисобланади.

Халқаро журналистика факультетидаги Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи, Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика, Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация ҳамда Тил ва адабиёт кафедраларида 71 нафар ўқитувчи (7 нафар профессор, 30 нафарга яқин фан номзодлари) талабаларга таълим-тарбия бермоқда. Улар малакали кадрлар тайёрлаб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шу ўринда бир нарсани мамнуният билан таъкидлаш керак: айни кунларда мазкур ўқув даргоҳини тамомлаган кадрлар республикамизнинг марказий газета-журналларида, телевидение ва радиоларда, шунингдек, турли идора ва ташкилотларнинг матбуот хизматларида фаолият кўрсатишмоқда. Бу ерда таълим олаётган талабалар ўқиш билан биргаликда турли ОАВда ишлаб, амалий маҳоратларини оширишмоқда. Албатта, бу ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг замирида факультет раҳбарияти ва ўқитувчиларининг мислсиз меҳнатлари, бошқарув ишларини тўғри йўлга қўйишгани ётади.

— Назарий билимлар билан кўзланган натижага эришиш қийин, — дейди халқаро журналистика факультети декани Акбар Нурматов биз билан суҳбатда. — Бошқа соҳаларда бўлгани каби журналистикада ҳам амалиёт ва назария узвий равишда олиб борилиши, талабалар ҳам шунга ўргатилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун талабаларнинг амалиётдан узоқлашиб кетмаслиги учун телевидение, радио ва турли нашрлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ва бу нарса мунтазам равишда назорат қилиб борилади.

Замонавий журналист холис, тезкор бўлиши керак, деб кўп гапирамиз. Аслида у қандай бўлмоғи керак? Фикримизча, давр талабидаги ҳақиқий журналист газета-журналларда ҳам телевидение ва радиода ҳам турли идора ва ташкилотларнинг матбуот хизматларида ҳам бемалол ишлаб кета олиши керак. Халқаро журналистика факультетида масаланинг шу томони ҳам ҳисобга олинган ҳолда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, у ерда "Ҳаваскор" радиоси, "Халқаро журналист" газетаси ҳамда телестудия фаолияти йўлга қўйилган. Уларда ташкил этиладиган амалий машғулотларда факультетнинг ҳар бир талабаси радиода қандай ишлашни, телекамера қаршисида ўзини қандай тутишни, газетага материал тайёрлашни, матн таҳрир қилишни, мақолаларни саҳифаларга жойлаштириш қоидаларини ўзлаштирмоқда.

Бундан ташқари, мазкур масканнинг иқтидорли талабалари томонидан бир неча деворий газеталар ташкил этилган бўлиб, улар ҳар куни янги маълумотлар ва ахборотлар билан бойитиб борилади. Бу ҳам ўз навбатида бўлажак журналистнинг ўз соҳасини пухта эгаллашида, малакали мутахассис бўлиб вояга етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Тил билган — эл билар, дейдилар. Чиндан ҳам одам кўп тилни қанча билса, шунча кўп элнинг урф-одатларини, ҳаёт тарзини билади. Шу маънода журналист ҳам бундан мустасно эмас. Мана шуларни ҳисобга олиб, халқаро журналистика факультетида талабаларга хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Ушбу масканда талабаларга Европа ва Шарқ тиллари, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, поляк, корейс, хитой, япон, араб каби ўндан ортиқ тиллар тажрибали ўқитувчилар томонидан ўргатилмоқда. Маълумки, инглиз тили бешта жаҳон тилларидан бири ҳисобланади. Шу боис факультетнинг барча талабалари бу тилни пухта ўрганишларига алоҳида эътибор берилган. Бундан икки-уч йил аввал талабалар қизиқиш ва билимларига кўра гуруҳ-гуруҳларга тақсимланиб, турли тиллардан сабоқ олишарди. Эндиликда инглиз тили асосий тил сифатида ўргатилиб, бошқалари иккинчи тил сифатида ўқитилмоқда. Натижада мазкур факультетни тамомлаган талабалар икки ва ундан ортиқ тилларни мукаммал билади. Аслида бу ернинг бошқа ўқув даргоҳларидан фарқи ҳам шунда.

Яна бир гап. Талабаларнинг тил ўрганишларини осонлаштириш учун Голландиядан келтирилган замонавий технологиялар эвазига ўтган йили компьютер-лингофон хонаси ташкил этилди. Ёшлар у ерда турли дастурлар ёрдамида хорижий тилларни ўзлаштирмоқдалар. Қолаверса, мазкур масканда интернет тизимига уланган компьютер хонаси ҳам бор. Бу ўз навбатида ўқитувчи ва талабаларнинг дунёга чиқишларига, жаҳондаги янгиликлардан хабардор бўлишларига омил бўлмоқда.

Халқаро журналистика факультетининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда ахборот-ресурс марказининг фаолияти йўлга қўйилган. Марказда изланган китобнинг бир нечта тиллардаги нусхасининг борлиги диққатга молик. Шунингдек, мазкур зиёхонада дунёга машҳур газеталарнинг асл нусхасини ҳам мутолаа қилиш мумкин. Ҳозирги кунда бу ерда 51725 та китоб бор. Улардан 32621 таси дарслик ва ўқув қўлланмаси, 19104 таси эса бадиий адабиётдир. Жами китобларнинг 24385 таси ўзбек, 27340 таси хорижий тиллардаги адабиётлардир.

Гап келганда, халқаро журналистика факультетининг Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси қошида ташкил этилган илмий-тадқиқот маркази фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур марказ барча зарурий техник воситалар билан таъминланган. У ерда айни дамда профессор Нарзулла Жўраев раҳбарлигида 12 нафар илмий ходим илмий изланишлар олиб бормоқда. Интилганга толе ёр, деганларидек, изланишлар самараси ўлароқ ушбу жамоа "Ёшларда мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик фазилатларини шакллантириш" ўқув-тарбия курс иши учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грантини қўлга киритди.

— Юқоридаги мавзу доирасида тўртта асосий йўналиш мавжуд, — дейди профессор Нарзулла Жўраев. — Биринчиси — огоҳлик, ҳушёрлик, сезгирлик, иккинчиси — кенг замонавий дунё қарашга эга бўлиш, учинчиси — миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик ва тўртинчиси ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда аниқ мақсадга эгаликдир. Бундан ташқари 46 та фазилат киритилган. Уларнинг барчасининг замирида ёшларимизни шахс сифатида шакллантиришга қаратилган эзгулик ғоялари мужассам.

Лойиҳамизни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги беш йил давомида ҳар йили 60 млн. сўм миқдорида пул ажратади. Биз аниқ режаларни ишлаб чиққанмиз ва улар асосида иш олиб борамиз. Бажарилган ишлар ҳақида ҳар ойда, ҳар чоракда ҳисоботлар топширамиз. Айни кунларда ўзбек журналистикаси тарихида биринчи бўлган "Сиёсий конфликтшунослик ва халқаро журналистика" ўқув қўлланмаси ёзиб тугатилди. Тез кунларда унинг нашр қилиниши кутилмоқда. Кейинчалик мазкур қўлланмани дарсликка айлантиришни мўлжаллаяпмиз.

Маълумки, изланиш ва интилиш бўлган жойда доим тараққиёт бўй кўрсатади. Буни дилдан ҳис этган халқаро журналистика факультети ўқитувчилари замон талабига мос равишда иш юритишмоқда. Жумладан, янгиянги фанлар жорий қилинмоқда. Дарс жадвалини икки йил олдингиси билан солиштирсангиз, журналистика социологияси ва психологияси, дипломатия асослари ва халқаро муносабатлар, сиёсий конфликтшунослик ва халқаро журналистика, ОАВ ва халқаро гуманитар ҳуқуқ, таҳрир маҳорати (ижтимоий, иқтисодий, адабий-бадиий матнларни таҳрир қилиш принциплари) сингари кўплаб янги фанларнинг жорий этилганига гувоҳ бўласиз. Бундан ташқари, факультет раҳбарияти кейинги ўқув йилидан бошлаб бакалавриат йўналишида "Жамоатчилик билан алоқалар ва матбуот хизмати" деб номланган янги бўлимни ташкил этишни режалаштирган. Уларнинг бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мумкин. Чунки жаҳон тажрибасига суянадиган бўлсак, ривожланган давлатларнинг деярли барча идора ҳамда ташкилотларида жамоатчилик билан алоқалар ва матбуот хизмати жорий этилган. Бугунги кунда бу борада мамлакатимизда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Замон билан баробар қадам ташлаш эса ривожланишдан далолатдир. Факультет раҳбарияти келгусида магистратура ихтисослиги таркибида "Ахборот хавфсизлиги", "Журналистика социологияси" бўлимларини ҳам ташкил этишни режалаштирмоқда. Шунингдек, ўқув самарадорлигини ошириш мақсадида факультетга электрон доскалар келтирилиши мўлжалланмоқда. Факультет декани Акбар Нурматовнинг таъкидлашича, ўқув масканида бу ишларни амалга ошириш учун илмий, ўқув, моддий ва техник имконият етарли.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Маҳмуд Саъдий, Файзулла Мўминов, Муҳаббат Шарафиддинова, Венера Қаюмова, Илҳом Дилмуродов сингари тажрибали устозлардан сабоқ олаётган ёшларимиз бир кун келиб юрт таянчига, миллат ғурурига айланишади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

Матбуотимиз равнақи:
ким қандай фикрда?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?
2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?
3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ



Михли САФАРОВ,
"Халқ сўзи" газетаси шарҳловчиси

1. Бошимиздан кечаётган ҳозирги ҳаёт — глаболлашув, юксак фан-техника ва технологиялар асри, ялпи ахборотлашув замони бўлиши билан бир қаторда кескин мафкуравий курашлар даври ҳамдир. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу ҳақиқатни янада ўткирроқ бир тарзда шундай ифодаланган эдилар: "Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга".

Чиндан ҳам ўта шитобли, мураккаб, дунёда турли хил курашлар, таҳдидлар ва хуружлар кучайган бир шароитда яшаяпмиз. Қурол, ҳарбий техника, куч ишлатиш билан Ер юзида ҳукмронликни ўрнатиш замони ўтди, энди халқларни, миллатларни маънавий жиҳатдан, яъни ичдан эгаллашдек ўта хатарли, маккорона йўллар ва шунга қаратилган усуллар ишга солинмоқда. Бундай шароитда журналистнинг ўрни — мафкура майдонидир.

Умуман айтганда, матбуот тарихи — мафкуравий курашлар тарихидир. Узоққа бормасдан, миллий матбуотимиз тарихига бир назар ташлайлик. XX аср бошида шаклланган ўзбек миллий газета ва журналлари миллатнинг қадр-қиммати-ю, равнақ топиши, миллий онг ҳамда қалбни уйғотиш учун курашди. Бу — ўтли мафкурадир.

Бугун янги бир тарихий даврда яшаяпмиз. Ватанимиз мустақил ривожланиш йўлидан дадил одимлаяпти. Ўзимизнинг миллий мафкурамизга ҳам эгамиз. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги — булар янги халқчил мафкурамизнинг етакчи ғояларидир.

Ватан, халқ мақсади биз журналистларнинг ҳам мақсадимиздир. Мамлакатда юз бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, шу ҳаётбахш жараёнларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ислоҳотлар, халқимизнинг бунёдкорлик йўлидаги кенг қамровли меҳнати, унинг натижалари биз учун доимо бой, ранг-баранг ва илҳомбахш мавзу бўлиб келмоқда.

Ислоҳотлар жуда катта миқёсда олиб борилаяпти. Жумладан, давлат бошқарувини, иқтисодиётни, маънавиятни эркинлаштириш борасида тинимсиз ишлар давом этмоқда. Президентимиз бундай ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида ҳам олиб борилиши кераклигини, фикр ва сўзда фаолликни, дадилликни кучайтиришни, ҳаёт ва тараққиёт жараёнларига янада қизғин ва жонли аралашувни, «тўртинчи ҳокимият» деган бурчни чинакам оқлашни олдимизга долзарб вазифа этиб қўймоқдалар. Юртбошимиз бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг якшанба бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳам яна бир бор тўхталдилар. Дарҳақиқат, бу йўналишларда бизлар ўз устимизда ҳали кўп ишлашимиз керак бўлади.

2. Ҳақиқий, ҳаётий, эзгу ниятли танқид — ҳаётни соғломлаштириш ва ривожлантиришнинг кучли воситасидир. Бундай танқид матбуотнинг ҳам кучига куч қўшади, унинг ижтимоий маънавий ҳаётдаги мавқеини, таъсир кучини оширади.

Маълумки, ҳаётда ютуқлар, юксалишлар билан бир қаторда умумтараққиётимиз йўлида туғилаётган муаммолар, олдинга қараб юришимизни суст лаштираётган нуқсонлар, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Улар матбуотдаги танқидий-таҳлилий чиқишимиз учун ўткир мавзулар бўлиши лозим. Яқинда телевидениеда давлатимиз ажратаётган миллиардлаб маблағларни ўмариб, йўллар ободлигидан кўра ўз ҳамёнларини тўлдиришни ўйлаётган "йўлсозлар" ниқобидаги бир гуруҳ жиноятчиларнинг кирдикорлари тўғрисида танқидий-таҳлилий кўрсатув берилди. Афсуски, бундай кимсалар бор ва улар орамизда юрибди. Улар бор экан, демак, матбуотда, телевидениеда, радиода танқидий-таҳлилий чиқишлар ҳам албатта бўлиб туриши керак. Масалан, бир қарасанг, ислоҳотларни, тадбиркорлик равнақини ҳамма маъқуллайди. Лекин жойларда кичкина амалдорлик курсисида ўтириб, ислоҳотларга халақит бераётган, тадбиркор ва фермерларнинг кичик бир ҳужжатини имзолашни бир нарса илинжида атайлаб чўзаётган мансабдорлар йўқ дейсизми? Ёки, аксинча, оддий водопровод сувини шиша идишларда қадоқлаб, газлаштириб, баланд тоғлардан келтирилган булоқ суви, деб пуллаётган товламачи тадбиркорлар озми?

Шахсан ўзимни бир масала доимо ўйлантиради: ҳозирда аҳолига қулайлик яратиш учун жойларда валюта алмаштирувчи шохобчалар ташкил этилган. Аммо уларнинг атрофини долларфуруш шаллақи аёллар, йигитлар "қамал" қилиб олган. Бу шохобчалар ана шуларнинг даромад манбаи бўлиб қолаяпти. Наҳотки, валюта алмаштириш шохобчалари шундайларга хизмат қилса?! Бу матбуот учун ўткир танқидий таҳлилий текшириш мавзуси бўлиши керак эмасми?.. Хуллас, ҳаётда муаммолар бор, уларнинг ечимини излаш ва топишда матбуот давлатимизга, халқимизга камарбаста бўлмоғи керак.

Булар — ички ҳаётимиз ташвишлари. Шу билан бирга юқорида айтиб ўтганимиздек, биз хилма-хил ташқи мафкуравий таҳдидлар, хуружлар даврида яшаяпмиз. Жаҳолат, ахлоқсизлик, наркобизнес, ғарбга хос "оммавий маданият"нинг миллий асосларни емиришга, қадриятларни барбод этишга, айниқса, ёшлар маънавиятини издан чиқаришга қаратилган айёрона хуружлари ва бошқа таҳдидлар матбуотдаги танқидий-таҳлилий чиқишлар учун бундан кейин ҳам долзарб мавзу бўлиб қолиши аниқ. Биз ҳозирги глобаллашув асрида бундай ножоиз таъсирлар янада кучайиб боришини унутмаслигимиз керак. Шак-шубҳасиз, омонат, сохта фикрлар ва ғояларга қарши қўядиган бизнинг кучли, ҳаётий, соғлом фикрларимиз ва юксак ғояларимиз бор. Маърифатни жаҳолатга қарши қўйиб, уни ичдан ривожлантириб бориш учун имкониятларимиз ҳам етарли. Мустақил, озод ва обод келажагимиз ўз-ўзидан бўлмайди. Уни рўёбга чиқаришда, жумладан, матбуотнинг фаоллиги, қатъиятлилиги, собитқадамлиги, курашчанлиги ҳам талаб қилинади. Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида "Журналистнинг нони қаттиқ", — деган иборани яна бир бор тилга олдилар. Матбуотнинг принципиал танқидий ва таҳлилий чиқишлари ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бундан ҳадиксирасак, матбуот сустлашиб, ижтимоий мавқеини йўқотиб боради. Мустақил, дадил, фаол бўлсак, жамоатчиликнинг диққатини ўзимизга қарата оламиз, обуначиларимиз сони ҳам ошади.

Матбуотни биз ўзимизнинг ўткир, ҳаётий позициямиз, соғлом, дадил фикр ва ғояларимиз майдонига айлантиришга интилишимиз керак. Танқид ва таҳлил — мана шундай фаол позициянинг ўткир тили ва сўзидир.

3. Ҳеч бир журналист "Ўз фаолиятимдан қониқаман", — деб дадил айта олмаса керак. Аксинча, ҳозирги даражамдан кўра салмоқлироқ, сўзи ва фикри таъсирлироқ материаллар тайёрлашим, ижтимоий ва маънавий ҳаётда ўрни ёрқинроқ журналист бўлишим мумкин эди-ку, деган армон ва ўй аксарият инсофли, диёнатли журналистларда бўлади.

УСТОЗ МАКТАБИ

ОЙБЕК БИЛАН УЧРАШУВ

"...Асака. Баҳор. Одам кўп. Ҳамма чой ичади. Иссиқ. Ҳаммаёқ ёнади... Пастлик кўк денгизи. Чиройлик Шаҳрихон сойи. Бир йигит келди. Боши ғирт кал. Газета мухбири экан...".

Юқоридаги парча Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек асарларининг академик нашрида эълон қилинган "Асака сафари кундаликлари"дан олинган. Адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" китобида ёзилишича, Ойбек домла 30-йилларнинг ўрталарида қишлоқ ҳаётини тасвирлашга бағишланган йирикроқ насрий асар ёзиш ниятида бўлган эканлар. Устоз бўлажак асар қаҳрамонлари билан учрашиб, улар ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида ижодий йўлланма билан Асакага борадилар. Сафарлари давомида жуда кўп асакалик меҳнаткашлар билан танишадилар. Ўз таассуротларини "Асака сафари материаллари" кундалик дафтарларига қайд этадилар. Ўшанда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик, қатор давлат мукофотлари совриндори Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўттиз ёшга тўлган навқирон йигит эдилар. Ёзувчининг "Асака сафари материаллари" кундаликлари билан танишар эканман, "Қутлуғ қон", "Олтин водийдан шабадалар" романларидаги Йўлчи, Ўроз, Қоратой, Комила, Ўктам образлари Асака сафарлари маҳсули бўлиши мумкин, деган хаёлга бораман. Кундаликнинг учинчи дафтари бошларида асакалик деҳқон Тешабой Матёқубов ҳақида маълумот қайд этилган:

"Ёши 41 да. Отаси деҳқон, камбағал эди. 14 ёшдан бери деҳқончилик қилади. Биринчи мироб, сўнгра қўшчи. 1928 йилдан жамоа ижроқуми раиси".

Ойбек домла Асака деҳқонларининг саркори Тешабой Матёқубов билан кўп вақт бирга бўладилар. Унинг дилкаш суҳбатларини ниҳоятда қизиқиб тинглайдилар ва у ҳақда "Курашчан йигит" номли очерк ёзадилар.

— Тешабой ака билан биринчи маротаба 1935 йилнинг ёзида танишганман, — деб ёзадилар устоз очеркда, — Узун яктак кўйлак кийган, қиличдай пишиқ Тешабой ака қишлоқ хўжалигининг тузилиши, тарихи, ўсиши тўғрисида сўзлайди. Сўнг пахта майдонларини кузатиш учун кўзғалади. Мен ҳам Тешабой ака ила турамен..."

Ойбек домла Тешабой ака билан бирга далаларда бўладилар. Колхоз далаларини кўрадилар. *"Биринчи кўришдаёқ Тешабой ака кишининг диққатини тортади. Ўткир кўзлари, чувак юзидаги маъноли табассум, сўзларидаги кескинлик, ҳаракатидаги эпчиллик уни севдиради. Сўзлашган сайин ундан ажралгингиз келмайди. У билан ҳар вақт суҳбатда бўлишни, ундан кўп нарсалар ўрганишни истайсиз..."* деган сатрларни Ойбекнинг Тешабой ака ҳақидаги "Курашчан йигит" очеркида ўқийсиз. Академик ёзувчи таърифлаган қаҳрамон салкам юз йил умр кўрди. Умрининг охиригача Ойбек домлани бот-бот эслаб турарди.

Тешабой отанинг тўнғич ўғли Алишер Тешабоев Ойбек билан бўлган учрашувларини шундай хотирлайди:

— Отамиз тўғрисида буюк адибимиз Ойбек очерк ёзганликлари ҳақида хабар топганимдан кейин шу китобни отамга ўқиб бердим. Отам жуда хурсанд бўлдилар. Ёзувчини кўргилари, улар билан яна суҳбатлашгилари келди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Отам у кишининг руҳи покларига дуои фотиҳа қилдиларда, Ойбек билан бўлган учрашувлар ҳақида кўрган-билганларини гапириб бердилар. Отамнинг айтишларича, буюк адибимиз 1935-1937 йилларда Асакага келган ва отам билан учрашиб, анча кунлар ҳамсуҳбат бўлган эканлар.

"Ойбек келишган, чиройли йигит эди. Жуда камтар, хушчақчақ, феъли кенг инсон эди. У билан қанча гаплашсанг ҳам яна гаплашгинг келаверади. Суҳбатларига тўймайсан киши. У ўзининг муҳбир ёки бўлмаса ёзувчи эканини бирор марта ҳам писанда қилган эмас" — деб гапириб берганлар отам.

Ойбек домла Асакада беш-олти кун, балки бундан ҳам кўпроқ юрган-дирлар. Демак, шу муддат оралиғида адиб жуда кўп одамлар билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган. Уларнинг ҳаётларини ўрганган. Отам ҳақида очерк ёзганлари, албатта, бизни қувонтиради. Буюк адибимиз Ойбек домла билан отамиз Тешабой Матёқубовнинг феъл-атворлари, дунёқарашларида қандайдир ўхшашлик, яқинлик бор экан-да, деб ўйлаб қоламан баъзида. Ахир, халқ нақлида, ўхшатмагунча учратмас, деб бежиз айтилмаган.

Отамизнинг номини элу юртга танитган фидойи адиб, ажойиб инсон Ойбек домладан бир умр миннатдормиз. У киши оиламизнинг энг мўътабар инсони сифатида эъзозланадилар. Уларнинг катта бир суратлари уйимиз тўрида, отамизнинг сурати билан ёнма-ён қўйилган. Бу суратлар ҳар куни барчамизга қуёшдай боқиб, дилларимизга илиқлик бағишлаб туради.

Ҳа, мен ҳам ҳар гал Асакага борганимда Ойбек билан учрашгандек бўламан. Болалигим, ўсмирлигим ўтган ўша "Чўнтак. Пастлик. Кўк денгизи. Чиройли Шаҳрихон сойи..." Ойбек домла тасвирлаган бу манзара ёшим ўтган сари менга мўъжиза бўлиб туюлаверади.

Тўлан ҚЎЗИБОЕВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида банк тизими ва молиявий муассасаларнинг барқарор фаолият юритиши муҳим ўрин тутади. Хусусан, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозлар ишончини қозонаётган банклар эндиликда хизмат турлари ва сифатини янада ошириш, аҳолига янгидан-янги имтиёзларни тақдим этишга интилишмоқда. «Туронбанк» ОАТБнинг Бухоро вилояти филиалида ҳам иқтисодиётнинг реал тармоғини ривожлантириш учун истеъмол кредити ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида аҳамият берилади.

Маълумки, мижозларни кредит билан таъминлаш молиявий муассасалар фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам, 2009 йил давомида банк перспектив инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган бизнес тармоқларини қўллаб-қувватлаш, маблағларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳаракатини тиклашга йўналтирилган фаол кредит сиёсати олиб борилди.

Филиалнинг бугунги кундаги ресурс базаси анча кенгайган. Ўзига тегишли барча жабҳаларда илғор тажрибаларни жорий этиб, фаоллигини ошириб бормоқда. Биргина мисол. Кредитлашни ривожлантириш натижасида турли тармоқларга берилган миллий валютадаги кредит қўйилмаларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 миллиардга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 5,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Якунланган йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган 3,5 миллиард сўм миқдоридаги кредит саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш ва сервис хизмати каби соҳаларни ривожлантиришга ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили Давлат дастури доирасида қишлоқ ҳудудларида тадбиркорлик йўналишларига минитехнология ва ихчам ускуналар олиб келиш, уй-жой сотиб олишга йўналтирилди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида Президентимизнинг 308-сонли қарори асосида 33 та кам таъминланган оилага 73,6 миллион, 16 та тадбиркор аёлга 139,5 миллион, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 та ёш оилага 103,8 миллион сўм кредит берилди.

Филиалимиз томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳам амалга оширилиб, вилоятнинг Бухоро туман Работи Қалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини "Деҳча" маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган "Бухоро — Карпет" хусусий корхонасига гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Ҳозиргача 550 миллион сўмлик маблағни ўзлаштирган корхонада айни пайтда иш қизғин кечаяпти. Бунинг натижасида 150 нафар қишлоқ аҳолиси доимий иш билан таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлаш умумдавлат дастурида банкнинг иштироки натижасида 3,5 миллиард сўм кредит маблағлари эвазига 379 та янги иш ўринлари яратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, филиалимиз жорий — "Баркамол авлод йили"да ҳам ўз мижозларига янада намунали хизмат кўрсатиб, мижозлар ишончини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Энг асосийси халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилиш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Зоҳид ИДИЕВ,
"Туронбанк" ОАТБ Бухоро вилоят филиалининг кредитлаш ва иқтисодиёт бўлими бош мутахассиси ®

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ЧЕКИНАДИМИ?

2008 йилнинг ёзида бошланиб, 2009 йилда ҳам давом этган жаҳон молиявий инқирози дунёдаги кўплаб мамлакатлар хазинасига катта миқдорда зарар келтириш билан бирга замонавий иқтисод ҳақида шаклланган қарашларни ҳам остин-устун қилиб ташлади. Ўн миллионлаб одамлар ишсиз қолди. Ҳукуматлар эса шошилинч равишда харажатларни, ҳатто кексалар ва ногиронларга тўланадиган пенсияларни ҳам қисқартиришга мажбур бўлди. Бир сўз билан айтганда, иқтисоддаги алғов-далғовлик сиёсатчиларнинг ҳам, оддий фуқароларнинг ҳам муҳокама мавзусига айланди. Айримлар эса «Бозор иқтисодидан режалаштириш афзал экан», деган хулосага ҳам келишди.

Иқтисодчи экспертлар билдирган салбий прогнозлар туфайли кўпчиликда келажакка ишончсизлик пайдо бўлди. Дунё маънан иккинчи депрессияга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг жаҳон иқтисодида бундай пасайиш рўй бермаган эди. Халқаро Валюта Фонди маълумотларига қараганда, жаҳонда иқтисодий ўсиш сўнгги 60 йил ичида биринчи марта 2009 йида 1,06 фоизга қисқарди. Таққослаш учун айтиб ўтиш лозимки, дунё иқтисоди оғир буҳронни бошидан кечирган 1982 йилда ҳам ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 0,9 фоизга ўсган эди.

Таъкидлаш жоизки, инқироз биринчи марта ривожланаётган мамлакатлар эмас, ривожланган мамлакатлар иқтисодини издан чиқарди. Албатта, бу буҳрондан ривожланаётган мамлакатлар бутунлай четда қолди, десак, хато бўлади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардан Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Вьетнам ва Индонезия иқтисодида жиддий ўсишлар кўзга ташланган бўлса-да, Шарқий Европа мамлакатларида бунинг акси юз берди.

Иқтисодчиларнинг таҳлилларидан маълум бўлишича, инқироздан, айниқса, Болтиқбўйи мамлакатлари катта зарар кўрган. Латвияда 2009 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 28 фоизга қисқариб кетди. Кейинги уч ойда бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этди. Йил давомида эса мамлакат иқтисоди 18 фоизга қисқарди. Ҳатто собиқ иттифоқ тарқалиб кетган йилларда ҳам мамлакатда бундай салбий ҳолат юз бермаган эди. Эстония ва Литвада ҳам аҳвол Латвиядагидан яхши эмас. Шунга қарамасдан, ҳар уч давлат раҳбарлари, нафақа ва пенсияларни қисқартириб бўлса-да, пулларининг қадрсизланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишди. Бу эса келгусида уларнинг евро ҳудудига киришига йўл очади.

Ўтган йили Украина иқтисоди жуда қийин жараённи бошидан кечирди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 14 фоиздан кўпроқ қисқариши, Россия гази атрофидаги тортишувлар, ҳокимиятни эгаллаш учун бошланган сиёсий курашлар мамлакат иқтисодини жар ёқасига олиб бориб қўйди. Вазиятдан чиқиш учун ҳукумат Халқаро Валюта Фондидан катта миқдорда кредит олди. Шундай бўлса-да, вазият ўзгаргани йўқ. Энди яқинда сайланадиган янги президент ва ҳукумат зиммасида кредитни фоизлари билан тўлашдек оғир вазифа турибди.

Йил охирига келиб жаҳон иқтисодидаги вазият бироз ўнглана бошлади. АҚШ, Германия, Франция ва Италия каби йирик давлатлар техник қийинчиликдан чиқди. Англия ва Испания иқтисодида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Лекин худди шу пайтда яна бир кутилмаган ҳолат юз берди. Дунёдаги энг йирик инвестиция фондларидан бири Dubai World шу пайтгача йиғилиб қолган 59 миллиард долларлик қарзини тўлай олмаслигини маълум қилди. Албатта, фонд раҳбарлари қарзни йиллар давомида секин-аста тўлаши мумкинлигини билдиришган бўлса-да, кредиторлар ташвишга тушиб қолишди.

Жаҳон иқтисодий тизимидаги салбий ҳолатлар бу билан ҳам якун топмади. Орадан икки ҳафта ўтгач Грецияда иқтисоди билан боғлиқ можаро бошланди. Греция иқтисоди узоқ йиллардан буён паст ставкали кредитлар эвазига кириб келаётган сармоялар ҳисобига яшаб келарди. Жаҳон молиявий инқирози туфайли энди бундай иш юритишнинг имкони бўлмай қолди ва мамлакатнинг қарзи 100 фоизга кўпайиб кетди. Грекларга энди қийин бўлади. Чунки кредиторлар энди уларга ишончли ҳамкор сифатида қарашмаяпти. Демак, қарзни ҳам катта фоизлар эвазига беришади. Аммо Греция бундай қарзни ололадими?

Европада Греция ташқаридан ёрдамсиз дефолтга учраши тайин, деган овозалар юрибди. Грекларнинг ўзлари бу гапларни инкор этишаётган бўлса-да, далиллар вазият чиндан ҳам мураккаб эканини кўрсатмоқда. Ҳозирча Грециянинг қарзини қандай тўлаш масаласи ЕИ миқёсида муҳокама қилингани йўқ. Лекин Швеция молия вазири Андрес Борг шу масалага тўхталиб: «Греклар ўзлари қарзга ботдими, энди ўзлари тўласин», — деди. Аммо иқтисодчилар Болқон ярим ороли мамлакати бу чуқурдан бир ўзи чиқиб кета олмаслигини айтишмоқда. Бундан чиқадиган хулоса шуки, расмий Брюссель Афинани қўллаб-қувватлашга мажбур. Чунки масаланинг сиёсий томони ҳам бор. Греция инқироздан чиқмаса, еврога ишонч камаяди. Бугун евро ҳудудига киришга интилаётган мамлакатларда қизиқиш йўқолиши ҳам мумкин.

2009 йил якунланди. Биз юқорида иқтисоддаги силсилаларнинг кичик бир қисми ҳақида қисқагина тўхталиб ўтдик, холос. 2010 йилда дунё иқтисодини яна қандай синовлар кутаяпти? Экспертлар оз бўлса-да ўсиш кузатилишини башорат қилишмоқда. Демак, иқтисодий буҳрон чекинмоқда.

Темур СУЛТОН

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ТЎХТАТДИ

Хитой ҳукумати АҚШ билан ҳарбий ҳамкорликни тўхтатди. Бунга Вашингтоннинг Тайванга ҳарбий техника сотиш ҳақидаги қарори сабаб бўлди. Хитой мудофаа вазирлиги баёнотида айтилишича, Америка Қўшма Штатлари қуролининг Тайванга етказиб берилиши хунук ва кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Синьхуа» хабарида айтилишича, Хитой АҚШда ишлаб чиқарилган қуролларни Тайванга етказиб бераётган компанияларга нисбатан санкция эълон қилмоқчи.

Жорий йилнинг 26 январида имзоланган ҳужжатга биноан АҚШ Тайванга Patriot зенит ракета комплекси, UH-60 Black Hawk вертолётлари, жами 6,5 миллиард долларлик қурол етказиб бериши керак.

АҚШ сўнгги марта 2008 йилда Тайванга қурол сотган ва ўшанда ҳам Хитой билан ҳарбий алоқалар узилиб қолган эди. Аммо ўтган йиллар мобайнида муносабатлар яна аста-секин изга туша бошлаганди.

БОЛА ЎҒИРЛАШДА АЙБЛАНМОҚДА

Гаитида бир гуруҳ болаларни мамлакатдан ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринган 10 нафар АҚШ фуқароси ушланди. AFP хабарида айтилишича, АҚШлик беш нафар аёл, беш нафар эркак ва икки нафар Гаити фуқароси бир гуруҳ болалар билан Доминикан Республикаси чегарасида қўлга тушган.

Қўлга олинганларда болаларни олиб чиқиб кетишга рухсат этувчи ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Гаити ижтимоий муносабатлар вазири Ив Кристаллиннинг таъкидлашича, бу иш болаларни ўғирлашдан бошқа нарса эмас. Аниқланишича, олиб кетилаётган болалардан кўпининг ота-онаси тирик экан.

ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, Гаитидан ҳар куни 2 минг нафаргача бола Доминикан Республикасига олиб кетилаяпти. Халқаро ташкилот жиноий гуруҳлар болалар органларидан донор сифатида фойдаланишидан хавотирда.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 12 январь куни Гаитида бўлиб ўтган кучли зилзила туфайли 170 минг нафар аҳоли вафот этди. Минглаб болалар етим қолди.

ТЕРРОРЧИЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Покистонда маҳаллий «Толибон» террорчилик гуруҳининг йўлбошчиси Ҳакимулла Мақсуд йўқ қилинган. Бу ҳақда Покистон давлат телевидениеси хабар тарқатди. Ахборотда айтилишича, Мақсуд Жанубий Вазиристонда учувчисиз самолётдан отилган ракетадан жароҳат олган ва уч кундан сўнг вафот этган.

Ҳакимулла Мақсуд ўтган йилнинг ёзида Байтулла Мақсуд йўқ қилингандан сўнг Покистондаги "Толибон" террорчи гуруҳига раҳбарликни ўз қўлига олган эди. 2009 йилнинг ноябрида Покистон ҳукумати Ҳакимулла Мақсуднинг боши учун 600 минг доллар мукофот эълон қилганди.

Толиблар ҳозирча йўлбошчилари ҳалок бўлганини расман эълон қилишгани йўқ. Ўтган йилнинг октябрида ҳам унинг ўлдирилгани ҳақида хабар тарқатилганди. Орадан кўп ўтмай бу хабарни Мақсуднинг ўзи радио орқали рад этганди.

БЕШИНЧИ АВЛОД САМОЛЁТИ

Россиянинг "Сухой" компанияси янги бешинчи авлодга мансуб қирувчи самолёт Т-50нинг ташқи кўринишини намойиш этди. Бу воқеа самолёт биринчи парвозни амалга оширгандан сўнг Комсомольск-Амур авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси аэродромида бўлиб ўтди. Хабарларга қараганда, самолётнинг биринчи синов парвози муваффақиятли ўтган.

Самолётнинг техник характеристикаси ҳозирча сир тутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, самолёт тезлигини соатига 2,6 минг километргача ошириши ва 5,5 минг километрга тўхтамасдан учиши мумкин. У тахминан бир ёки иккита 30 миллиметрли пушка билан қуролланган. Самолёт 300-400 метрли аэродромларга ҳам бемалол учиб, қўна олади.

ДАРАКЛАР

ҚИММАТБАҲО ВАЗА

Британиялик эру хотин ярим асрдан буён Хитой чинни вазасидан ёмғирпуш қўйиш учун таглик сифатида фойдаланиб келишарди. Чунки улар бу вазани совғага олишган ва унинг тарихий буюм эканидан мутлақо хабарсиз эди.

Антиквар буюмлар мутахассиси вазани ётоқхонадан топди. У экспертиздан ўтказилганда, 1740 йили ясалгани маълум бўлди. Вазанинг Англияга қандай келиб қолгани ҳозирча аниқ эмас.



Ваза кимошди савдо уйига топширилди. У жорий йилнинг 11 февраль куни сотувга қўйилади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ваза ярим миллон фунтга сотилиши мумкин. Агар ёриғи ва тепасида ранги кетган жойи бўлмаганда унга бир миллион фунтга ҳам харидор топилармиди?

ЗЎРАВОНЛИК ҚИЛГАНИ УЧУН

Тўрт минг нафарга яқин Грузия фуқароси яқин кунларда Польшадан чиқариб юборилади. Бунга ўтган йилнинг 15 декабрь куни Польшанинг Легница шаҳридан Германияга йўл олган поезднинг Чеченистон ва грузиялик қочоқлар томонидан қўлга олиниши сабаб бўлди. Ўшанда Польшадаги қочоқлар марказларидаги аҳволнинг ёмонлигидан норози бўлган хорижликлар билетсиз поезга чиқиб олишган ва Страсбургга бориб инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига арз қилмоқчи бўлишган эди.

Кейин маълум бўлишича, поездга зўравонлик билан чиқиб олганларнинг кўпчилиги грузиялик ва чеченистонлик қочоқлар экан.

Грузия ҳукумати кўплаб фуқаролари Белорусь — Польша чегарасини ноқонуний бузиб ўтганини тан олди. Европа ОАВ хабарларига қараганда, муҳожирларнинг мақсади Польшада қолиш эмас, балки кейинроқ Германия ёки ЕИнинг бошқа давлатларига ўтиб кетиш бўлган. Нолегалларни депортация қилиш ҳар ойда икки марта амалга оширилади.

ФРАНЦИЯ:

САРКОЗИ ВА ДЕ ВИЛЬПЕН «ДУЭЛ»И

собиқ бош вазирга сиёсат эшиклари яна очиқ...

Ўтган ҳафтада Францияда бир неча йилга чўзилган жиноий иш бўйича суд жараёни якунланди. Бу жиноий иш сўнгги пайтда француз матбуотининг асосий мавзуларидан бирига айланган ва журналистлар томонидан "аср маҳкамаси" деб аталгани бежиз эмас. Негаки, маҳкама қаршисида мамлакатнинг собиқ бош вазири Доминик де Вильпен айбланувчи, Президент Николя Саркози эса даъвогар сифатида ҳозир бўлди.

2005-2007 йилларда Франция ҳукуматига раислик қилган Доминик де Вильпен Николя Саркозини обрўсизлантириш ва унга туҳмат қилганликда айбланди. Агар мазкур айб исботланса, у уч йилга озодликдан маҳрум этилиши ва 50 минг евро жаримага тортилиши мумкин эди. Шу билан кўзга кўринган арбобнинг сиёсий фаолиятига нуқта қўйилиши аниқ эди. Аммо суд жараёнида унинг Франция президентига қарши фитнага алоқадор экани исботланмади. Мазкур жиноий ишга EADS — Европа фазовий тадқиқотлар концерни вице-президенти Жан-Луи Жергорен, "Clearstream" компаниясининг ходими Имод Лаҳуд ҳам айбланувчи сифатида жалб этилганди. Суд уларга уч йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Аммо улар мазкур ҳукм бўйича юқори инстанцияга шикоят бериш ниятида.

Собиқ бош вазир ва президент ўртасидаги зиддиятнинг мухтасар тарихи шундай: 1991 йили Франция ҳукумати Тайванга ҳарбий аслаҳа сотди. Шу воқеадан бир неча йил ўтгач, қуроляроғ олди-сотдисига бошқош бўлган француз арбоблари Тайвань вакилларидан пора олгани, мазкур маблағлар эса Люксембургнинг "Clearstream" маркази ҳисоб рақамларига ўтказилгани ҳақида овоза тарқалди. Миш-мишларни ўрганиш учун махсус комиссия тузилди. 2004 йили комиссияга номаълум кишилар "Clearstream" марказида ҳисоб рақамига эга француз сиёсатдонлари рўйхати ёзилган дискни ташлаб кетишди. Пора олгани тахмин қилинаётган ўнлаб арбоблар рўйхатида Николя Саркози ҳам бор эди (бу пайтда у ички ишлар вазири вазифасида ишларди).

Бош вазир Доминик де Вильпен мазкур рўйхатдаги шахсларга нисбатан зудлик билан жиноий иш очишни талаб қилди. Бироқ кўп ўтмай, "Clearstream" рўйхати сохта экани маълум бўлиб қолди. EADS раҳбари Жан Луи Гергорин ушбу рўйхатни Доминик де Вильпен ва президент Жак Ширакнинг топшириғи билан тузгани ҳақида кўргазма берди (Бу 2007 йилги президент сайлови арафасида бўлаётган можаролар эди. Эслатиб ўтиш ўринлики, ўша пайтда Саркози ҳам, де Вильпен ҳам давлат раҳбарлиги учун асосий номзодлар эди). Бунинг устига, француз разведкасининг собиқ раҳбари, генерал Филипп Рондо ҳам де Вильпен унга Саркозини обрўсизлантирувчи маълумотлар йиғишни буюргани хусусида шоҳидлик берди. Шу тариқа 2007 йили собиқ бош вазирга нисбатан туҳмат, ҳужжатларни сохталаштириш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ айбловлар илгари сурилди. Де Вильпен эса тергов бошиданоқ айбларни инкор этди.

Шарҳловчилар кўплаб сиёсий масалаларда бир-бирига мухолиф позицияда бўлган бу арбобларни Франция сиёсатининг икки қутби деб атайди. Кўпчиликни ҳайрон қолдирадиган жиҳати, бир-бирига мухолиф мавқеда турган бу икки сиёсатчи асли битта партия (UMP) вакилларидир.

Де Вильпен дипломат ва арбобликдан ташқари шоир-ёзувчилиги билан ҳам тилга тушган. "Наполеон Бонапартнинг юз куни" китоби ва айрим фалсафий, сиёсий асарлари бир қанча тилларга таржима ҳам қилинган. Собиқ бош вазир аввалги президент Жак Ширак билан жуда яқин бўлган. Ташқи сиёсат маҳкамасида ишлаб юрган йигитни президент маъмурияти раҳбари, ташқи ишлар вазири, бош вазир лавозимларига кўтарган ҳам айнан Жак Ширак эди.

У Франция ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар мураккаблашган вазиятда ҳукумат тепасига келди. Ягона Европа Конституциясини қабул қилиш бўйича референдумда французларнинг кўпчилиги қарши овоз берганди. Шу боис ҳам бош вазир Европа Иттифоқи интеграциясини янада кучайтириш, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар таклифи билан чиқди. Аммо унинг иммиграция ва ижтимоий соҳадаги айрим ташаббуслари мамлакатда кучли норозиликка сабаб бўлди. Президентлик сайлови арафасида унинг рейтинги кескин тушиб кетди, шундан кейин у истеъфога чиқишга мажбур бўлди...

Англиянинг "Financial Times" газетаси суд ишида собиқ бош вазирнинг ғалаба қозонганини Саркози учун ўзига хос огоҳлантириш сифатида баҳолаган. Николя Саркози бевосита гувоҳ ва даъвогар сифатида иштирок этган суд жараёни икки арбобнинг мунозарасига, француз журналистлари таъбири билан айтганда, "дуэл"ига айланиб кетди. Аммо якунда Саркозининг сиёсий рақиби айбсиз деб эълон қилинди. Кузатувчиларнинг фикрларига кўра, судда беллашиб тажриба орттирган икки арбоб энди сиёсат майдонида — 2012 йилги президентлик сайловида рўбарў келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САНА

ТОҒАЙ МУРОД ИСТЕЪДОДИ

Тоғай Муроднинг бетакрор қисса ва романлари минг-минглаб китобхонлар юрагидан жой олди, қалбини ларзага солди. Уларни йиғлаб-йиғлаб ўқидик, кулиб-кулиб ўқидик. Чуқур инсоний дард бор эди бу асарларда, кулгу аралаш изтироблар бор эди уларда. Мутолаа давомида китобхон ўзида қандайдир руҳий тозаришни ҳис этади, унинг кўнглида чин инсоний туйғулар уйғонади.

Адибнинг таваллуд куни арафасида адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев билан Тоғай Мурод шахси ва ижоди, асарларининг ёш авлод таълим-тарбиясида тутган ўрни хусусида суҳбатлашдик.

— Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, дейдилар. Тоғай Мурод билан қачон танишдингиз-у, уни қачон кашф этдингиз? Ўша пайтларда нима кечди хаёлингиздан? Кейинчалик илк таассуротларингиз алдамадими сизни?

— Тоғай Мурод билан деярли тенгдошмиз. Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг, бир юртда, бир шаҳарда яшаб юрсак-да, шахсан танишиш бахтига муяссар бўлмаганман. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Айрим ошналаримнинг: "Тоғай Мурод билан танишиб барака топмайсан, қайтанга ихлосинг қайтади. Унинг табиати жудаям оғир", — деганди. Қолаверса, Тоғай Мурод ҳар хил давраларга кам қатнашарди. Баъзида унинг буюклиги ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Лекин 1989 йилдамиди, бир йиғинда кўзимиз кўзимизга тушиб қолди. Шунгача ҳам мен унинг асарларини битта қолдирмай ўқиб борардим. Шунчаки оддий асарлар қатори эмас, бошқача юрак билан, ўзгача бир меҳр билан мутолаа этардим. Шу жараёнда Тоғай Муроднинг сийрати ва сувратини чизиб бордим. У жуда мағрур ва унча-мунча одамларни тан олавермайдиган, бировга ёқимлироқ кўринишни хаёлига ҳам келтирмайдиган ўжар одам бўлса керак, деб ўйлардим.

Тоғай Мурод 2001 йили "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романини ҳеч нима ёзмасдан, бир оғиз гап айтмасдан жияни орқали бериб юборибди. Мен анчадан бери унинг ижоди ҳақида унча-мунча ёзиб ҳам турардим. Ўшанда бир ўқувчи сифатидаги гапларим, қарашларим билан Тоғай Мурод ҳам қизиқаркан, деган қаноат пайдо бўлди менда. Орадан анча вақт ўтиб "Отамдан қолган далалар"ни ҳам худди шу тарзда бериб юборди.

— Адиб асарларининг дарсликка киритилишида ҳам ҳиссангиз бор, деб эшитамиз. Сизни бунга нима ундади? Қолаверса, "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси болаларга нима беради?

— Тоғай Мурод асарларидаги қаҳрамонларда нафақат ўқувчиларга, балки ҳаммамизга ҳам ибрат бўлгулик инсоний фазилатлар талайгина. Унинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси болаларга инсонлик шаъни, йигитлик ғурурини ҳимоя қилишни, ўша ғурурнинг чинакам баҳосини билишни ўргатади. Улар онгига орият, мардлик ва шижоат ҳисларини сингдиради. Қиссанинг бошланишида ёш полвон Шукур курашда рақиби Эрматдан йиқилади. Асарнинг шу ерида ажойиб бир тасвир бор:

"Шукурга алам қилди. Эрматга қўлини мушт қилиб кўрсатди.

— Сен билан янаги тўйда олишаман! — деди.

Эрмат баковул рўпарасида ўтириши билан бир талай бола чопиб келиб ёнига чўккалади.

Шукурга тарафкаш болалар бир-бирига сўз бермай талашди, баковулга эланди:

— Бова, Эрмат полвон билан мени олиштиринг, у қалин ошнамни йиқитди.

— Йўқ, Эрмат полвон билан мен олишаман. Шукур холамнинг ули!

— Бова, Эрмат полвонга мени чиқаринг, Шукур бизнинг ҳамсоямиз!"

Кўриниб турибдики, қисса болаларда орият туйғусини шакллантиради. Кишини ўз яқинлари, халқи, миллати орини олишга ундайди, қалбларда ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга хизмат қилади. Мен халқимиз кураш билан шуғуллансин, курашимиз халқаро ареналарга чиқсин деб, қолаверса, яқинларимиз учун жавобгарлик ҳиссини туйишни ўрганайлик, деган мақсадда шу тўхтамга келдим. "Юлдузлар мангу ёнади" болаларимизда ана шундай ҳисларни шакллантиришга ишончим комил. Бу биринчи жиҳати.

Иккинчидан, унинг китоблари болаларга ўзбек тилининг гўзаллигини намоён этади. Тухумдек силлиқ ёзилган баъзи бир асарларнинг сюжети қандай тез эсимиздан чиқиб кетса, тили ҳам ўқувчига шундай юқмайди. Бу хилдаги асарлар фақат хабар бериш билан чекланиб қолган.

Тоғай Мурод асарлари эса ўз мусиқасига эгалиги билан китобхонни жалб қилади. Улар шунчаки тил ёки ахборот воситаси эмас, балки мусиқа воситаси ҳамдир. Қолаверса, эстетик функцияси ҳам бор. Тоғай Мурод прозаси назмда битилгандек таассурот уйғотади китобхонда. Кейин адиб асарларида нафақат тасвирларни, шунингдек, қиёфаларни ҳам кўришимиз мумкин. Одатда, биз ҳарфларни ҳарфларга қўшиб маъно чиқарамиз. Унинг асарларида ҳарфларни ҳарфларга қўшиб ўқиганимизда мусиқа таралади. Сўзнинг вазифаси асосан мулоқот воситаси бўлса, Тоғай Мурод унга бир қатор қўшимча функцияларни ҳам юклай олди. Унинг сўзлари мусиқа бўлиб янграйди. Сўзлари қўшиқдек қалбларни ларзага солади. Унинг сўзлари рассомнинг мой бўёғи сингари манзара яратади.

Қисса охирида Бўри полвон ошнаси Насим билан хаёлан гаплашади. Унинг ҳар бир сўзи инсонни сескантиради, ҳаяжонга солади, титратади. Ана шу сўзлардан келиб чиқадиган ғоянигина эмас, балки уларнинг айтилиш оҳанги, Бўри полвон ички кечинмаларининг берилиш йўсини ҳам мусиқийдир. Тоғай Мурод асарларидаги ритм хусусида номзодлик иши ёқланганидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак. Ҳали унинг ижоди, маҳоратининг сирлари ҳақида кўплаб илмий ишлар ёзилишига шубҳам йўқ.

Қозоғистондаги ўзбек мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун ёзилган дарсликка адибнинг "От кишнаган оқшом" қиссаси ҳам киритилди. Ахир, Тоғай Муродни дарсликларга киритмасликнинг иложи ҳам йўқ-да. Негаки, унинг асарлари — бетакрор асарлар! Зиёдулла образи орқали инсоннинг нозик кечинмалари, қалбидаги зиддиятлар очиб берилади. У кал бўлса-да, кўнгли шу қадар нозик, ғурури шу даражада баланд, ўзи шу қадар эркакки... Атрофидагилар эса нақадар қаллоб, сотқин, қўрқоқ. "От кишнаган оқшом" қиссаси адолат ва адолатсизлик ҳақидаги гўзал асар. Тоғай Мурод асарлари мутолааси миллатимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Яна бир гап. 1999 йили адабиётшунос олим Умарали Норматов раҳбарлигида "XX аср ўзбек адабиёти" китоби чоп этилди. Мазкур китобда Тоғай Мурод алоҳида ўзига хос адиб сифатида берилган. Шундан буён адиб олий ўқув юртларида мунтазам ўқитиб келинаяпти. Айни пайтда Тоғай Мурод ижоди юзасидан йилига ҳеч бўлмаганда икки-учта битирув малакавий ишлари ёзилмоқда...

— Севимли адибларимиздан Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад: "Тоғай Мурод қиссаларини ўқир эканман, ҳар гал янги бир ёзувчини кўргандек бўламан. У ҳаммани қойил қолдириб, "Юлдузлар мангу ёнади" ёки "От кишнаган оқшом" қиссаларини ёзган кечаги Тоғайга ўхшамайди. "Ойдинда юрган одамлар"ини бошқа Тоғай ёзган, деб ўйлайсиз. Ҳа, унинг асарлари сира бир-бирини такрорламайди", деб ёзган эди. Албатта, бу фикрда жон бор. Лекин парадокс шуки, Тоғай Мурод қаҳрамонларининг ҳар бирида ёзувчини кўраверамиз.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Назаримда, Зиёдулла калда, Деҳқонқулда, Бўри полвонда, ҳатто Ботир фирқада ҳам Тоғай Мурод борга ўхшайди. Айни пайтда бу қаҳрамонлар бир-биридан тамоман фарқ қилади. Тоғай Мурод асарларида ўз ҳасратларини, қолаверса, халқининг азоб-изтиробларини юрагига яқин олиб ёзди. Бу дардни кўтариб юриш оғир. Тоғай Муроднинг "Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!" — деган сўзларида катта ҳасрат билан бирга ўзига ишонч мужассам эди. Адиб асарларида умуминсоний туйғулар билан улкан ижтимоий дард уйғунлашиб кетган. Шу боис унинг "Мен"и ва "Биз"и орасидаги тафовут катта эмас.

— "Мен қайтиб келаман" китобининг тақдимот маросимида: "Тоғай Муродга биздан ҳали анча олдинда, унга етиб олишимизга эса кўп қовун пишиғи бор", — дегандингиз. Ўшанда нималарни назарда тутгандингиз?

— Чинакам битиклар, асарлар инсоният тараққиётидан илгарилаб кетади. Мана, Алишер Навоий биздан олти юз йил илгари яшаган, мантиқан қаралса, у жамиятдан шунча вақт орқада қолиб кетиши керак эди. Тўғри, ҳазрат компьютерни билмайди, машинани кўрмаган... Аслида эса, биз ҳали Навоийга етиб борганимиз йўқ. "Ўтган кунлар"нинг яратилганига саксон йил бўлди. Ким бу асарни тўла ўзлаштирдим, дея олади? Шу маънода, биз Тоғай Муродни тушуниб олдик ёки у яшашдан тўхтади, деб бўлмайди. Унинг асарлари яшайверади, кейинги авлоднинг ўқувчиларини ҳам жалб қилаверади, қулдираверади-куйдираверади. Невараларимиз, эвараларимиз, чевараларимиз ҳам Тоғай Мурод асарларини ўқиб, ўзбеклигини ҳис қилиб, кейинги авлодларга ҳам тавсия этаверади. Мен шундай ўйлайман.

— Мен ҳам.

Азим РЎЗИЕВ суҳбатлашди.

ТУҲФА

"Агар ҳайвонлар маъмурияти бўлганида, жуда кўп ҳайвонлар, хусусан, бўрилар билан итлар кўпдан-кўп ижодкорларни судга берар, жуда кўп ижодкорлар жиноий жавобгарликка тортилиб кетарди".

Сиз учун...

Қизиқ фикр! Тоғай Мурод "Ёввойи йўрға" китобининг ўзбекча нашрига ёзган сўзбошисида адабиётда ҳайвонлар образининг яратилиши хусусида сўз юритар экан, шундай хулосага келади. Ҳақиқатан ҳам кўплаб ёзувчилар "табиат ҳақида ёлғондан-ёлғон асарлар ёзди, хусусан, ҳайвонлар шаънига туҳмат асарлар яратди..."

Канадалик адиб Эрнест Сетон-Томпсон эса "ҳайвонлар ҳақида шундай асарлар яратдики, бундай асарлар Сетон-Томпсонгача яратилмаган эди, ундан кейин ҳам яратилмади. Табиат, хусусан, ҳайвонлар, жониворлар ҳақида минглаб асарлар ёзилди, аммо ҳеч ким Сетон-Томпсондан ошиб ўтолмади". Нега? Чунки у "табиатга зийрак анималист рассом, синчи адиб, нуктадон олим кўзи билан қаради. Ўз бошидан кечирган ҳаётни, ўз кўзи билан кўрган табиатни, ўз қўли билан ушлаган жониворларни қандай бўлса, шундайлигича бадиий асар қилди".

Шу боис ҳам Сетон-Томпсоннинг отлар, айиқлар, бўрилар, тулкилар, мушуклар, қуёнлар, қушлар... ҳақидаги ҳикоялари "етти яшар китобхон учун ҳам, етмиш яшар китобхон учун ҳам бирдай суюкли, бирдай ардоқлидир".

Мана шундай жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек китобхонларига таништиришда Тоғай Муроднинг ҳиссаси катта, шубҳасиз. Адибнинг таржимасидаги "Ёввойи йўрға" китобини ўқир экансиз, беихтиёр Сетон-Томсон бу ҳикояларини ўзбекчада ёзган шекилли, деб ўйлаб қоласиз.

Таржимон канадалик адиб асарларининг қат-қатига соф ўзбекона оҳангларни сингдириб юборган. Матнда Тоғай Муроднинг ўзига хос услуби устунлик қилган ўринлар ҳам талайгина. Мутолаа давомида шундай манзараларга дуч келасизки, русча нусхасида, ҳатто оригинал тилида ҳам бунчалик гўзал тасвирланмаган, моҳирона чизиб берилмаган бўлса керак, деган хаёлга келасиз...

Домино тулки, ёввойи йўрға, асл Аналостан мушуги каби жонли образлар ўзбек китобхони кўнглига сингиб кетиши нафақат ёзувчининг, балки таржимоннинг маҳоратидан ҳам далолат бериши табиий.

Тоғай Мурод таваллуд куни арафасида "Ёввойи йўрға" китобининг иккинчи бора чоп этилиши адабиёт муҳибларига ўзига хос совға бўлди, десак янглишмаймиз. Нашр ишлари "Ношир" нашриёти томонидан амалга оширилган.

Назира САФАРОВА

ТИББИЁТ

Кўзлар нурафшон — кўнгил чароғон

Қўқон шаҳридаги кўз касалликлари шифохонаси бир асрлик тарихга эга. Бугун мазкур даргоҳнинг шон-шуҳрати бутун мамлакатга ёйилган, десак, адашмаган бўламиз. Сабаби, у ердан шифо топиб, ёруғ дунёга соғлом нигоҳ билан боқиб яшаётганлар қанчадан-қанча. Биргина 2009 йили мазкур шифо масканида тўрт мингга яқин бемор хасталиклардан фориғ бўлди. Уларнинг кўпчилигига мураккаб жарроҳлик операцияларидан сўнг кўз нури қайтарилди.

Шифохона, аслида, Қўқон шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатишга мўлжалланган, беморларни қабул қилиш ва даволаш имкониятлари шунга яраша. Аммо вилоятнинг қатор туманларидан жиддий кўз хасталикларига чалинган беморлар ҳам узоқ йўл босиб шу ерга келишади.

Олий тоифали мутахассис, кўп йиллик иш тажрибасига эга Маъмурахон Қосимова етакчилигидаги жамоада даволашнинг ноёб ва мураккаб усулларини моҳирона қўллаётган таниқли микрохирурглар ишлашади. Айниқса, Исломжон Каримов, Надежда Михайлова, Маъмурахон Охунбобоева, Илғор Сатторов ва Ҳафизахон Тошматовалар вилоят миқёсида эл эътирофи ва ҳурматига мушарраф бўлишган.

— Беморларга тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириб бориш доимо асосий эътиборимизда туради, — дейди бош врач Маъмурахон Қосимова. — Бундан атиги уч-тўрт йил бурун даволовчи врачларимиз 10-12 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 27 нафарга етди. Ҳамшираларимизнинг ҳам асосий қисмини юқори малакали мутахассислар ташкил этади.

Шифохона қошидаги 65 ўринли поликлиниканинг қайси бир хонасига кирманг, озодалик-саришталикдан, шифокорларнинг беморлар билан мароқли мулоқотидан баҳра оласиз. Энг муҳими, қабул хоналари, диагностика ва даволов палаталарининг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланганига, кўз хасталикларининг барча турлари бўйича бағоят самарали аппаратуралардан фойдаланилаётганига гувоҳ бўласиз.

Шаҳар тиббиёт бирлашмасининг бошлиғи Комилжон Сирожиддиновнинг тақдирлашича, мазкур шифохона мустақиллик йилларида батамом янгиланди. Ҳозир моддий-техник базаси ҳам юксак даражада. Маскан Япониянинг "Инами" фирмасида ишлаб чиқарилган микроскоплар, офтальмологик иш столлари, Австралиядан келтирилган лазер аппаратуралари ва перфораторлари, тирқиш лампалари ҳамда авторефрактолестрлар билан тўлиқ таъминлангани фикримиз далилидир.

Шифохонанинг кўп жилдли "Таклиф ва мулоҳазалар дафтари"ни варақлар экансиз, бу жамоа қанчадан-қанча инсонларни ёруғ оламни кўриб яшашдек бахтга муяссар этганига, минглаб умрларга барокот киритганига амин бўласиз. Ҳаяжонланасиз, таҳсинлар айтасиз.

Мана, бешариқлик отахон Мирфозил Икромов нималарни ёзибдилар:

— Катаракта туфайли кўзларимни парда босиб, бир неча йилдирки, батамом кўрмай қолувдим. Бундан фақат мураккаб жарроҳлик йўли орқали фориғ бўлиш мумкин экан. Кўп жойларга қатнадим. Лекин рози бўлишмади. Менда қандли диабет ва юқори қон босими борлиги боис "жарроҳлик тиғини ишлатиб бўлмайди", дейишди. Ахийри, бу ишга қўқонлик кўз доктори Исломжон Каримов журъат қилди. Отасига минг раҳмат, дунё тургунча турсин. Умуман, барча кўз дўхтирларига кўз тегмасин. Улар менга дунёни кўриш бахтини ҳадя қайтаришди. Ҳозир иккала кўзим ҳам чароғон кўриб турибди.

Шифохонага катаракта, глоукома, ғилайлик, шоҳпарданинг йиринглаши, вирусли касалликларга чалиниш, кўз олмасининг яллиғланиши, куйишлар ва турли хил жа[illegible] билан келиб, тез орада соғайиб кетганларнинг шу хилдаги миннатдорчилик сатрлари яна қанчадан-қанча...

С.ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

АФСУС

Семизликдан қутуламан деб



Бугунга келиб семизлик инсониятнинг катта муаммоси ва жиддий душманига айланиб қолди. Айниқса, ривожланган мамлакатларда семизлик катта тиббий ва социал муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бир қатор олимларнинг аниқлашича, АҚШ аҳолиси орасида семизлик 20 фоизни, Англия, Франция, Германия давлатларида эса 20-30 фоизни ташкил этар экан. Республикамизда олиб борилган илмий тадқиқотларга кўра, бизда бу кўрсаткич 15 фоиз атрофида экани маълум бўлди. Эндокринология институти ўтказган текширишлар шаҳарда яшовчи, кам меҳнат қиладиган одамларнинг вазни қишлоқ аҳолисиникига нисбатан оғирроқ бўлишини кўрсатмоқда.

Одамнинг вазни ортгани сайин қадами оғирлашиб, салга терлаб, ҳансирайдиган, ичи куядиган бўлиб қолади. Ҳаракати сустлашади, кўп уйқу босади. Тезда парҳез қилишга киришади. Аммо эртасига ён қўшнисиникида худойи, кечқурун танишиникида никоҳ тўйи, биратўла қуда чақириғи ҳам бор... Қарабсизки, меҳмондорчилик бир-бирига уланиб кетаверади. Буни тўхтатиб бўлармиди?

Аксарият ҳолларда семизликка чалинишга одамларнинг ўзлари билиб-билмай сабабчи бўладилар. Овқатланиш тартибининг бузилиши, калорияли таомларни кўп тановул қилиш ва кам ҳаракатланиш бунинг омиллари ҳисобланади. Семизлик қатор ноқулайликларни келтириб чиқаравергач, одамлар бу муаммога қарши ўзларича кураш бошлайдилар. Аммо врачнинг маслаҳатисиз амалга оширилган парҳезлар ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, сўнгги йилларда кўчалардаги дарахтлар ва бекатлардаги устунларга ёпиштирилган эълонларни кўп учратадиган бўлдик.

"ОЗДИРИШ, СЕМИРТИРИШ", "КАФОЛАТЛИ СЕМИРТИРАМИЗ", "СЕМИРИШ, ОЗИШ ОЙИГА 5-10 КГ, КАФОЛАТЛИ, 100%". Ана шу мазмундаги эълонлар одамлар диққатини тезда ўзига жалб қилади. Ёмғирдан кейинги кўзиқориндай кўпайиб кетаётган бу "клиника"ларнинг мақсади ҳақиқатан кишиларга тиббий ёрдам кўрсатишми ёки пул топишмикан, деган ўй билан эълонлардаги телефон рақамларига сим қоқдик.

Гўшакни олган қиз Юнусобод бозори ичида жойлашган "офис"ларига боришимизни таклиф қилди. Малайзиядан келтирилган таблеткалар ёрдамида озишга кўмаклашишларини ва бу таблетка 300 минг сўм туришини айтди.

Бошқа эълон бўйича телефон қилдик. Гўшакни олган ёш йигит семизлик тўғрисида 5 дақиқа маъруза қилиб берди ва хизматларининг нархи 450 АҚШ доллари бўлишини, иккита флаконда 50 та таблеткадан "дори" берилишини, кунига 2 таблеткадан ичсак, бас, тезда озишимизни қайта-қайта такрорлади.

Навбатдаги эълон бўйича қилган қўнғироғимизга жавоб берган аёл, аввало, бемор ким эканини суриштирди. "Мен", деб жавоб бердим.

— Биз беморни кўрмасдан туриб ҳам даволайверамиз. Дориларимиз "Тяньши" фирмасиники. Салгина қиммат — 500 АҚШ долларига яқин. Пулни ҳозирги курсда берасизлар. Офисимиз Шимолий вокзал орқасидаги хусусий уйда, — деб жавоб қилди аёл.

Яна бир эълон бўйича телефон рақамларини терамиз. Гўшакни олган қиз тезда исм-фамилиямиз, турар жойимиз, уй телефонимиз рақамини ёзиб олди. Бош шифокор ҳафтасига икки марта ишга келишини, лекин уни кўришдан олдин биз қиздан чет эл фирмасининг дориларини харид қилишимиз кераклигини айтди. "Даволаш қанча туради?", деган саволимизга "900 АҚШ доллари", — деган жавобни олдик. Бераётган саволларимиздан саросимага тушган қиз: "Сиз ким бўласиз? Налоговийдан эмасмисиз?" — дея шубҳаланди. "Манзилингизни айтиб юборинг", — дейишимиз билан қиз жавоб қайтариш ўрнига гўшакни қўйиб қўя қолди.

Юқоридагилардан ҳафсаламиз пир бўлиб, яна бир эълон бўйича телефон рақамини теришимиз биланоқ, у томондан "хусусий клиника" деган жавоб келди. "Клиника"нинг манзилини билгач, йўлга тушдик. Бир фирмадан кичикроқ хонани ижарага олиб фаолият юритаётган "клиника"да ўтирган 2-3 нафар қиз келган-кетганларга ва телефон қўнғироқларига маълумот бериш билан банд эди. Улардан бирини саволга тутдик. Қизнинг айтишича, бир опа Малайзияга бориб, дори олиб келармиш, шу йўл билан одамларни семизлик дардидан қутқарармиш...

Сўраб-суриштирилса, бирор ҳужжат кўрсатолмайдиган бу сохта фирма ва "клиника"лар одамларни даволай олишига ким кафолат беради? Аммо улар бутун шаҳар бўйлаб ўз хизматларини "кафолатли", — дея таърифлашдан тийилишмаяпти. Ахир, бу сохта шифокорлар-у, табиблар, экстрасенслар инсоннинг саломатлиги билан ўйнашишаяпти-ку?! Чет мамлакатлардан яширин, контрабанда йўли билан олиб келинаётган бундай дорилар бугунгача неча минг кишининг саломатлигига зарар етказиб улгурди экан?

Яқинда бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. У мана шундай хусусий фирмаларга қатнайвериб самара топмагач, дугонаси мақтаб сотган "Герболайф" препаратини харид қилибди. Бу препаратларни бир йил ичсада, лоақал 1 килограммга ҳам озмабди. Кўпчилик бу препаратларни шифокор маслаҳатисиз, ўзбошимчалик билан сотиб олиб ичгани учун нафақат самарасини сезмаяпти, балки ўз соғлигига путур етказмоқда.

Одамлар ишонувчан, симёғочлар эса қўриқланмайди. Семизликдан азият чекаётган киши симёғочга суяндими, бас, бир чайқовчи домига илинди, деяверинг.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

МАЪНАВИЯТ

СИЙРАТ

«Ўзимни умрбоқий оҳанглардан топгандайман...»

Варзик қишлоғида Хайринисо аяни "Хайрибулбул" деб аташарди. Гулга ошуфта ва ораста кийинишга ўч бу аёлни маҳаллада танимайдиган киши йўқ эди. Ая доира чалиб, қўшиқ айтганларида, одамлар сел бўлиб эшитардилар. Уни қуршаб олган ёш-яланглар орасида бир қорамағиз қизалоқ қуралай кўзларини куйлаётган аёлдан узмай тингларди. Қўшиқ айтган кезлари қизча онасини янаям яхши кўриб кетарди. Аянинг бир этак болалари ичида шу фарзанди жуда сезгир ва меҳрибон эди. Қўшиқ куйлаб беришни ваъда қилса, у онаси буюрган ҳамма ишни бажонидил бажарарди. Баҳор мавсумида ипак қурти парвариши учун кўпинча тунларни волидаси билан бедор ўтказган ҳам Матлуба бўларди.

Ўша пайтларда Чуст туманининг Варзик қишлоғи аҳли ҳам бошқалардек йил бўйи қишлоқ хўжалиги ишларидан бўшамасди. Оппоқ пахта майдонлари ғўзапоя ҳолига келгунча одамлар даладан бери келишмасди. Эсида бор: улар пахта тераётган дала олдидан катта йўл ўтган, бу йўлдан катта-кичик автобуслар қатнарди. Қуёш куйдиради. Нафас ростлаш учун яқин орада кафтдек соя кўринмайди. Шунда Матлуба йўлдан ўтаётган автобусларга термилиб, болаларча хаёл сурарди: "Қачон мени ҳам Тошкентга олиб кетасизлар?.."

Аслида, пойтахтда ўқиш, ижод қилиш бу қиз қисматида бор эди. У 13 ёшида тумандаги педагогика билим юртининг ансамблида куйлай бошлаган. Тўғри, бу қўшиқларни ҳаваскор хонанда радио ва телевидениедан ўрганиб олган эди. Лекин уларни куйлаётган қизнинг ширали овози ва ўзига хос ижроси ҳар қандай тингловчининг диққатини тортарди. Ўша пайтлардаёқ Матлуба вилоятнинг санъат аҳли назарига тушиб улгурган эди.

У хоҳ мактабда, хоҳ институтда бўлсин, астойдил таълим олишга тиришарди. Шунинг учун бўлса керак, Матлуба олий ўқув юртининг учинчи босқичида ўқиб юрган кезлари уни республика радиосига ишга таклиф этишганда, иш ўқишга халақит қилади, деган ўйда рад жавобини беради. Аслида ижод қилиш учун ёш хонандага имконият эшиклари очилган эди. Ўша пайтдаги телерадио мутасаддилари уни чақириб, ўқиши ва ишлаши учун қулай шароитлар яратиб беришни ваъда қилишади. Икки йил ўтар-ўтмас, хонанда оилали бўлгач, унинг самарали ишлашини таъминлаш, енгиллик яратиш мақсадида турмуш ўртоғини ҳам ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг хор жамоасига ишга қабул қилишади. Қаранг, халқимиз қандай санъатсевар-а?

Таниқли созанда, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоиловнинг сўзлари билан айтганда, республика радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида, кўп ўтмай мақомчилар дастасида ишлаб, Орифхон Ҳотамов сингари забардаст устозлар таълимини олгани Матлубага жуда асқотди. Тақдир кимнидир сийлайман, деса, унга бағрикенг инсонларни рўпара қиларкан. Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Очилхон Отахонов, Эсон Лутфуллаев, Малоҳат Дадабоева сингари мақом ижрочилари билимдонлари билан биргаликда меҳнат қилган хонанданинг қўшиқлари аста-секин радио фонотекасида йиғила борди.

Устози, ниҳоятда камсуқум инсон, Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов Матлубанинг олдига битта талабни — санъатга покизалик билан ёндашишни қатъий қўйди. Шу-шу шогирд бу талабни олтин қоида деб қабул қилди. Усиз миллий мумтоз қўшиқчиликнинг нонини ейиш ғоят мушкуллигини мақомчилар билан ёнма-ён ишлаган 32 йиллик фаолияти давомида такрор-такрор англади.

— Матлубада санъаткор сифатида икки хусусият бор, — дейди Абдуҳошим Исмоилов. — Биринчидан, унинг ўрганиш қобилияти кучли. Кейин унинг овоз кўлами кенг ва катта. Устоз созанданинг фикрида жон бор. Матлуба Дадабоеванинг ижодкор кўнгли мумтоз қўшиқлардаги теран, улуғвор, умрбоқий сўз ва оҳанглардан ҳузур топади. Хонанда уларни куйлагандагина, ўзини яшаётгандек ҳис этади. Жарангдор овозидаги дард, фиғон, ишқ нолалари қалбингизга кўчиб, сизни чексиз коинот сарҳадларига бошлайди гўё.

Матлуба Дадабоева 1993 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди. Орадан ўн тўрт йил ўтиб, 2007 йили Ўзбекистон халқ артисти бўлди. Гап, албатта, ижодкорнинг унвонларга эрта ёки кеч эришганида эмас. Айтмоқчимизки, у санъатга, айримлардек, бирданига ловуллаб киргани йўқ. Унинг ижод чўғи аста-секинлик билан алангаланди. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, у энг аввало аёл эди. Кўпчилик куюнчак аёллардек оиласи, фарзандлари ташвишида елиб-югурди. У турмуш ўртоғи Ҳусан ака билан Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг мусиқали драма факультетида бирга таълим олган. Самарқанднинг Каттақўрғон туманидаги яхши оилалардан бирида тарбия кўрган Ҳусан ака санъатни қанчалик қадрламасин, оиласи билан Самарқандда, ака-укалари олдида яшашни истарди. Шу боис аёлини санъатни тарк этиб, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга ундарди. Чунки ёш болаларини ишониб топширадиган одами йўқ эди. Гўдакларни ижара шароитида парвариш қилиш учун қишлоқ кенгликларига кўниккан яқинларининг эса хоҳиши йўқ эди. Шундай пайтларда Матлубанинг руҳан қийналган кезлари бўлди.

Хонанданинг ижодхонасидаги деворда онасидан қолган эски доира осиғлиқ туради. Матлуба гоҳ-гоҳида унга термилиб, онасининг қўл изларини қидиради. Болалигида "Аяжон, қўшиқ айтиб беринг",— деб қистаган кезлари Хайринисо ая доирани қўлига олишдан олдин эрининг кўнглига қарарди. Отаси розилик ишорасини қилса, онаси қизининг илтимосини адо этарди. У онасининг, қолаверса, устози Орифхон отанинг ўгитларини эслайди: "Турмуш ва санъатни биргаликда олиб борай, десанг, уларнинг машаққатларига бошқаларга қараганда икки баравар кўпроқ сабр қиласан...". Матлуба ўшанда ҳаммасига қаноат этиб, ижодини ҳам, турмушини ҳам устозлари айтгандай йўлга қўйди.

Унинг зиммасидаги вазифалар жуда кўп. Қайнота-қайнонанинг хизматини қилиб, уларнинг дуоларини олишга, овсинлари ўртасидаги оилавий муносабатларни янада яхшилашга, қариндош-уруғларига қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилар экан, у буларни, баъзилардек, қўл учида наридан-бери адо этмасди, астойдил, самимийлик билан бажарарди. Баъзан ижоди билан боғлиқ режалари орқага сурилиб кетганида, ўз-ўзича озгина худбин бўлишга азм этса-да, кўп ўтмай, яна... Йўқ, у бошқача бўлолмасди, чунки у шундай туғилган: меҳрибон, кўнгилчан, ишонувчан...

Матлуба Дадабоева 2009 йили "Шарқ тароналари" халқаро фестивалида иштирок этиш учун аввалига узоқ иккиланди. Чунки талабалари билан ҳал этиши зарур бўлган анчагина ишлари бор эди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтидаги мураббийлик фаолияти ҳам уни кўп ўйлатарди. Хуллас, халқаро кўшиқ фестивалига саноқли кунлар қолганда, турмуш ўртоғи унга: "Сен бу анжуманда қўшиғинг билан иштирок этишинг лозим", — деди. Санъат умр йўлдоши учун сув ва ҳаводек зарурлигини Ҳусан ака аллақачон англаб етган эди. Буни қаранг-ки, кўп ўтмай ўзбек хонандасининг Бобораҳим Машраб ва Собир Абдулла сўзлари билан айтган "Ёлғиз" ва "Кўзим шаҳлога тушди" ашулалари дунё санъатсеварларининг эътирофини қозонди. Матлуба Дадабоева "Шарқ тароналари — 2009" халқаро фестивалининг биринчи ўрин соҳибаси бўлди.

Етти қизнинг ичида ўсиб, етти ака-уканинг бирига ёр бўлган оддий ўзбек қизининг овози бугун дунёнинг кўплаб ҳудудларига етди. Шуни айтсалар керак-да: "Сабрнинг таги — сариқ олтин", деб.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Nurriyat" мухбири

ТАБИАТ

БУРГУТНИНГ ЎЛИМИ

Кечагина мана шу булоқ бўйида катта бир арча ажиб виқор билан турарди. Ҳозир эса унинг танасига болта урган номардни лаънатлай-лаънатлай ўрмон ораладим. Тўрт фасл гўзаллигидан баҳраманд этадиган арчазорни томоша қила-қила ичкарилаб борарканман, ўрмон ёнидаги баландликдан суғурнинг "чув-чув"лаган товуши эшитилди. Секин юқорилаб, ўша ёққа қарадим: қўнғир суғур кўринди. Эй жонивор-а, туришингдан айланай!

Уқўк тош биқинида ўсиб ётган "сассиқ мато" (уни маҳаллий халқ "суғур ўти" дейди) ўсимлигининг уруғини еб турган экан. Шу пайт осмондан нимадир ғалати овоз чиқариб пастга шўнғий бошлади. Ҳали тепага қарашга ҳам улгурмасимдан бир жонзот суғур яқинидаги кўк тошга "тарс" этиб урилди. Дарҳол ўша ёққа қарадим: баҳайбат бир қуш тўши билан чалқанча ётар эди. "Тушимми ё ўнгимми?", — дея эшакдан тушиб, унга яқин бордим. Во ажаб, улкан бургут! Унинг мажақланган тўшидаги сарғимтир, олатароқ патлари орасидан қон сизиб чиқарди. Қанот қоқиб жон таслим қилаётган қушнинг кўзларига ҳайротомуз қараб қолдим...

Бургутнинг ўлимига ишонқирамай, қанотидан секин кўтариб қараётган эдим, кўк тош остидан югургилаб ўтган суғур ўз инига кириб кетди. Шунда "осмон беги" ўлимининг сири бир қадар ойдинлашгандек бўлди. Тахминимча, фалакда сузиб юрган бургут суғурнинг қулай жойда турганини кўрган-у, унга ўқдек ташланган. Хатарни сезган суғур эса тезда ўзини панага — тош ортига олган, оқибатда, қуш беҳосдан тошга келиб урилган...

Шуларни ўйлаб, бир чўпон дўстимнинг гапи эсимга тушди: "Бургутлар ўз ўлжасига ниҳоятда катта тезликда ташланади. Агар ўлжа бўлмиш жонивор айёрлик билан чап берса, тамом, қуш тошгами, ергами урилиб, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас".

Начора, "осмон беги" нақадар кучли ва қўрқмас бўлмасин, унинг ҳам заиф жиҳатлари бор экан.

Исмат НОРБОЕВ

ҲАВОГА СОВУРИЛАЁТГАН БОЙЛИК

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳали ҳаётнинг пасту баландини кўрмаган ёшлар бўш вақтларининг бир қисмини ошхўрлик ёки пивохўрликка сарф этаётгани ҳар биримизни ташвишга солади!

Яна шуни қайд этиш лозимки, бундай жамоат жойларида кўнгилсиз ҳолатлар ҳам тез-тез учрамоқда. Арзимаган нарсадан чиққан жанжаллар баъзида жиноят содир этилишига сабаб бўлмоқда. Баъзан матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда ўзаро жанжаллашиб қолган ўспиринларнинг бир-бирига оғир тан жароҳати етказгани, ҳатто пичоқ ва шунга ўхшаш совуқ қурол ўқталгани ҳақида ўқиб қоламиз. Таассуфки, гулдек умрини хазон қилиб, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик домига тушиб қолаётган ёшяланг кўпинча чойхона-ю пивохоналарнинг доимий мижози бўлиб чиқади.



Улуғ маърифатпарвар адиб, жадид зиёлиларининг етакчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов ўтган аср бошларида изтироб ва таассуф билан: «Миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бугун миллатни ёдларидан чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва фивахоналарга сарф этмоқдадурлар", — деб ёзган эди. Бу надоматомуз сўзлар Мунавварқори ҳам барча жадидларимиз сингари, энг аввало, миллат истиқболи, баркамол авлодни тарбиялашни ўйлаганидан далолатдир.

Афсуски, буюк маърифатпарвар куюниб ёзган ушбу оғриқли муаммо бугунги кунимиз учун ҳам бегона эмас. Айни пайтда миллатининг тараққиёти ва равнақини эсидан чиқарган баъзи ёшлар ўз ғайрат-шижоатларини бекорчи йиғинларда ўтириш, кайфу сафо қилишга сарф этаётгани ачинарли.

Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида "ош", "шанбалик", "гап", "куёв оши" сингари ўтиришлар кенг тарқалган. Ачинарли тарафи шундаки, бу каби ўтиришлар бир ҳафтаўн кунда такрорланиб, ёшларимиз қимматли вақтларининг беҳуда сарф этилишига сабаб бўлмоқда. Кузатишларга асосланиб айтиш мумкинки, бу каби гап-гаштакларда мулоқотнинг асосини маънисиз суҳбат ёки ғийбат ташкил этади, баъзида эса қарта ўйини ва қиморбозлик авж олади. Вақтларини ҳавога совуриш ўрнига ёшларимиз китоб мутолааси билан шуғуллансалар, юртимизда, бутун дунёда юз бераётган ўзгаришлар ва янгиликлардан бохабар бўлишга интилсалар, газета, журнал ўқисалар, бир сўз билан айтганда, тараққиётимиз учун хизмат қилиш борасида фикр юритсалар, мақбул эмасми?!

Халқимизда "Буюклик суяк суради", — деган гап бор. Турон заминидан кўплаб алломалар, фозилу фузалоларнинг етишиб чиққани, улуғлик силсиласи асрлар давомида узилмасдан давом этиб келаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Менимча, буюкликка раҳна солувчи зарарли чойхона ва пивохоналардаги ўтиришлар бугун суяк сураётган одатлардан ҳисобланади.

Халқимизнинг суюкли адиби Тоҳир Малик суҳбатлардан бирида: "Биз тарбияни тор тушунамиз, кўпинча вақт тарбиясига беэътибормиз. Айрим оталар чойхонада соатлаб ўтириб, вақтини совуриши мумкин, лекин фарзандига 5-10 дақиқа ажратишга вақти етмайди", — деганида мутлақо ҳақ эди.

Ҳақиқатан ҳам, соатлаб чойхона ва пивохоналарда вақт ўтказаётган оталар, телеэкрандаги сериаллардан бош кўтармаётган оналар ҳам йўқ эмас. Тарбияси эътиборсиз қолган фарзандлар эса кўпинча интернет кафеларида турли руҳдаги кинолар кўриш, компьютер ўйинлари билан иккинчи маротаба қайтарилмайдиган фурсатни бой беришмоқда.

Умримизнинг ҳар дақиқаси — ғанимат. Кун давомида бирор эзгу иш қилсак, бу билан умримизга мазмун бахш этган, миллат тараққиётига ҳам, оз бўлса-да, ҳисса қўшган бўламиз. Гўзаллик, бунёдкорлик ва ижодий янгиликлар учун берилган ҳаётимизни фойдасиз ишларга сарфлашдан олдин бир лаҳза ўйлаб кўрайлик.

Азиз газетхон, бу борада сизда қандай фикр-мулоҳазалар бор?

Абдуқаҳҳор РАҲИМОВ

АВВАЛИ

Бизим ёшларга миллий тарбия

Қариндошлар! Бу тарбия эса болаларимизни миллатимизнинг шаън ва шарафин сақлайдиргон даражада қилуб ўқутмақдир. Шаръи шарифимизнинг буюришига биноан болаларимизни ўқутмақ борча мусулмон қариндошларга фарздир. Болаларни(нг) ўқутмай қолдиргон учун отаоналар айблидирлар. Ислом шаръиатида ўқишдан қайтмоқ учун ҳеч бир узр йўқдир. Шундай бўлса, борчаларимиз болаларимизни(нг) ёшликдан ўқитуб, келажакда номусли, тарбияли ва миллатни(нг) суювчи бир инсон бўлишларига ҳиммат қилайлук!

Эй қариндошлар! Ўйлаб қарангиз; ўқумагон болалар тавфиқсиз бўлурлар, отаонанинг қадрини билмаслар, улуғларга таъзим ва кичикларга шафқат қилмаслар, сўнгра ёмон ишларга кируб, ичкулик, қимор ва шунга ўхшағон ҳаром ишлардан қайтмайдирғон бўлуб, бора-бора ўзларининг ислом динида яшагонларин ҳам билмий бошларлар. Ҳурматлуларим! Ибрат кўзларингизни очуб қарасангиз, шояд кўзларингиздан милдираб ёшлар тўкулур. Чунки тирикчилик жиҳатидан қарағонда бизим мусулмонлар йиғланадирғон ва очинадирғон бир ҳолдадирлар. Масалан, қоровулчи ойлиқчи, йиллиқчи, ташишкачи, ҳаммолчи ва бошқа шундай оз оқча ва қаттиғ меҳнатли –чи-чилик ила кўблари умр ўздурадурлар. Қисқаси, қайдағина қарасангиз, бизнинг мусулмонларнинг ёш ва қарилари бошқаларнинг қули манзиласида бўлуб хизмат этмоқдадирлар. Ушбуларнинг ҳамасин бош сабаби ўқумағонлик ва миллий тарбиясизликдир. Қариндошларим! Яна соф кўнгилларингиз ила бизим ёшларга қарангиз. Бизим ёшлар ёз ва қиш демай доим самоварчиликда қолуб бекорчилик ва сафсата сотишдан бўшамайлар. Ҳурматлу ота-оналар! Жонингиздан азиз фарзандларингизни шундай бўлишларига кўнгилларингиз асло рози бўлмаса керак, балки ҳар қайсингиз яхши бўлишларини хоҳлайсиз. Буларни яхши қилиш мактабда ўқутиш илангина бўладир.

Ҳурматлу қариндошлар! Ҳолларимизга тушунуб қарайлук. Яқинда камина бир ишим бўлуб Тошканд "Окружний суд" маҳкамасига боруб эдим. Каттақўрғонлик мусулмон савдогарларнинг бир катта жанжаллари кўрилур экан. Мазкур шаҳардан келгон 20 нафарга яқин гувоҳларнинг ҳар қайсиларига ҳурматлу судлар: "Сўзлагон сўзларингиз учун қўл қўйингизлар!" дегонларида ул жаноблар: "Қўлимиз йўқ, ёза билмайдиргон авоммиз", деб жавоб бердилар. Бу жанобларнинг бошларида катта салла ва устларида олабайроқ чапонлар бўлатуруб ўз исмларини ҳам ёза билмагонларига ушбу ўтурмиш рус ватандошларимизнинг ҳузурларида ниҳоятда қаттиғ уёлдук. Шаръиатимиз жиҳатидан қарағонда бу иш жуда ор ва номусдир. Чунки ислом шаръиатида бўлгон мусулмон эрлар ҳам хотунларнинг билимли ва маърифатли бўлишлари лозимдир. Шундай бўлса, ҳар қайсимиз динимизнинг устимизга юклагон фарзини адо қилгонлардан бўлайлук десак, ҳеч шубҳасиз, букундан бошлаб жонимиздан азиз фарзандларимизни ўқутайлук. Дунёда бахтли ва охиратда юзларимиз оқ бўлуб жаноби Ҳақнинг ризолигиға етушмакни хоҳласак, болаларимизни ўқутайлук, ўқутайлук!

Каримбек Норбек ўғли.
"Садои Туркистон" газетаси, 1914 йил, 7 октябрь. 43-сон.

Изоҳлар: **Тавфиқ** — муваффақият, илғорлик. **Ўздурмоқ** — ўтказмоқ. **Манзила** — даража, мақом. **Ҳолларимизга тушуниб қарайлук** — ҳолларимизни ўйлаб кўрайлик. **Каримбек Норбек ўғли** — Каримбек Норбеков (1882-1970) тошкентлик, акаси Комилбек билан биргаликда чарм ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, XX аср бошларида маърифатпарварлик ҳаракатини моддий ва маънавий жиҳатдан қувватлаган.

Нашрга тайёрловчи:
Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ.

МАДАНИЯТ

ЭҲТИРОМ

Навоий назмига боқсанг...

Ҳазрат Алишер Навоий қитъаларининг бирида уч шоир – Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийни шоирлик бобида ўзига устоз деб эътироф этадилар ҳамда ўз шеърларини уч гўзал қизнинг акси тушган кўзгуга қиёслайдилар:

Навоий назмиға боқсанг, эмасдур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс этмиш
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Менинг назаримда, Навоий шеърлари афсонавий Искандар кўзгусига ўхшайди. Ривоят қилишларича, Искандар улкан кўзгу ясаб, бу кўзгу воситасида Доро мамлакатидаги сир-асрордан огоҳ бўлиб, шу тариқа ушбу мамлакатни фатҳ қилган экан. Форс адабиётидан хабардор одам ҳам Навоий ғазалларини ўқиганда шу ҳолат кўнглидан кечади. Навоий ғазалларида Амир Хусравнинг соҳирбаёнлиги, Ҳофиз Шерозийнинг риндона оҳанги, Абдураҳмон Жомийнинг ирфоний фикрлари таъсирини бемалол сезади. Шу билан бирга ҳар бир сатрда ўзбек тилининг кенг имкониятларини пухта ўзлаштирган, сўзни ҳалол сеҳр даражасига кўтара олган буюк шоирнинг тафаккур даҳоси ёғду таратиб туради.

Тақдир ҳар бир шоирга турли ном ва қисматни насиб айлайди. Шундай шоирлар борки, улар ўз замонида энг машҳур ва етук ижодкор сифатида ном қозонадилар. Аммо давр ўтиши биланоқ уларнинг шеърлари ўзларидан олдинроқ унутилади. Шундай шоирлар ҳам борки, улар тириклик чоғида эътироф этилмайдилар, аммо муайян давр ва замон ўтганидан кейин Умар Хайём сингари дунёга машҳур бўладилар. Ҳазрат Навоий бу икки тоифага мансуб шоирлардан эмасди. Навоий толели шоир эди – тақдир қалами унга икки дунё саодатини берди. Темурий ҳукмдор, шоирнинг валинеъмати Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан шеърият соҳибқирони дея, улуғланган шоир мана, беш асрдан ортиқ давр ўтса-да, ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, маънавиятимиз байроғи, мумтоз адабиётимизнинг асосчиси, ўзбек тамаддунининг тимсоли сифатида эъзозлаб келинмоқда.

Навоий шахсияти ва ижодини тадқиқ этиш XV асрдан буён олимлар, шоирлар, таржимонлар, котиблар, наққош ва мусаввирлар диққат марказидаги масалалардан бўлган. XVI асрдаёқ унинг шоҳ асарларидан бири – "Мажолис ун-нафоис" тазкираси икки марта форс тилига таржима қилинди. Бунинг бир нечта сабаби бор. Биринчиси, Навоий тазкирачиликнинг форс ва араб адабиётида шаклланган анъаналарини ўзлаштириб, ўзбек тилида мутлақо янги шаклдаги тазкирани яратди, унда зуллисонайн ҳамда туркийгўй шоирларнинг ижодига кенг ўрин берди. Иккинчидан, форс адабиёти намояндалари ҳақида ҳам фақат аниқ маълумотларга таяниб мулоҳаза юритди. "Мажолис ун-нафоис"нинг учинчи ва энг аҳамиятли хусусияти – Навоийнинг танқидчи-адабиётшунос сифатидаги қараш ва хулосаларидир. Навоийгача бўлган (Бу одат Навоийдан кейин ҳам сақланиб қолди.) тазкиранавислар шоирлар ҳақида маълумот берганларида кўпинча сўзамоллик кетидан қувиб, адабиёт учун бирор муҳим фикр ё мулоҳаза билдирмаганлар (бунга бир қанча тазкиралар мисол бўла олади). Навоий эса, ҳар бир шоир шеъридан мисол келтирганида унинг фазилат ва камчиликларини очиқ-ойдин баён этган ва ўз фикрини асослаб бера олган. Шу нуқтаи назардан, "Мажолис ун-нафоис" бугунги кунда ҳам мумтоз адабиёт тадқиқотчилари учун қўлланма сифатида асқотиши шубҳасиз.

Шеърият султонининг комиллик бобидаги фикрлари ҳам таҳсинга лойиқ. Тўғри, Ҳазрат Навоий бу хусусида алоҳида бир китоб ё рисола ёзмаган бўлсалар-да, комиллик ғояси ул зот ижодининг асосини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, комил инсон таърифида ҳам биз, энг аввало, Навоий ижодиётига мурожаат қилишимиз лозим.

Навоий қитъаларидан бирида комил инсон бобида мулоҳаза юритарканлар, чин инсон бўлишнинг бирламчи шарти сифатида тавозўъни келтирадилар. Тавозўъ — хоксорлик, адаб демак. Шоир талқинича, тавозели бўлмоқ инсонни ўз моҳиятини англашга бошлайди, унга шараф, руҳий хотиржамлик ва сокинлик келтиради, кичикларнинг ёши улуғлар орасида маҳбуб бўлишига замин яратади, кекса инсонларга эса улуғворлик бахш этади. Мумтоз адабиётимизда хоксорлик кўпинча дарвешлар хулқ-атвори сифатида талқин қилинади. Аммо Навоий қитъасида бу хислат бойбадавлат кишиларда бўлса, нур устига нур бўлиши таъкидланади:

Тавозўъ яхши, аммо
яхшироқдир
Агар даъб этса они
аҳли давлат.

Бизда бойликни маънавий камолот йўлида тўсиқ сифатида баҳолаш одатга айланган. Айримлар буни тасаввуф ва диний таълимот оқибатлари, деб биладилар. Бизнинг назаримизда, бу кўникма узоқ йиллар давомида ўзини йўқсиллар муҳофизи сифатида тарғиб қилган собиқ шўро мафкурасининг салбий оқибатидир. Кўҳна Шарқ мутафаккирлари бойлик ва дунёпарстлик ўртасида фарқ қўядилар. Дунё, бойлик миқдори билан эмас, балки Ҳақ йўлдан чалғитиш-чалғитмаслиги билан яхши ёки ёмон сифат касб қилиши мумкин. Инсон замирида бойлик туфайли туғиладиган энг хавфли касаллик — бу такаббурликдир. Мол-дунёси кўплигини пеш қилиб, оёғи ердан узилганлар ҳамма давру замонда минглаб топилиши шубҳасиз. Аммо бойлик — инсонийликнинг мақсади эмас, балки мақсадга эришиш учун бир восита эканини унутмаган ва тавозели бўлишни одат қилган бадавлат киши хокисор камбағалдан мартабаси ортиқроқ, чунки камбағал ҳали бойлик билан синалмаган, у ўз чориғини унутадими-йўқми, бу ҳам ечими мушкул бир жумбоқ...

IX асрда яшаб, ижод этган тасаввуф олими Мустамлий Бухорий ўзининг "Шарҳи ат-Таъарруф" китобида шундай ёзади: "Инсоннинг ботини ва зоҳири бор... Кўпинча зоҳир ботиндан кўра гўзалроқ бўлади. Баъзида зоҳир ботинга ғалаба қилади, баъзида — ботин зоҳирга. Бу сўзнинг маъноси шуким, ботини аслида чиркин, ёвуз ва тубан бўлган кишилар ҳам яхшилик қила оладилар. Бу — зоҳирнинг ботиндан ғалабасидир. Аммо бу ғалаба ўткинчи муваққат эрур. Сен бу замоннинг дарвешларига назар сол. Улардаги хоксорлик, қаноат ва тавозенинг асоси аслида ботинидан бўй тортмайди, балки бу ишлар ночорликдан қилинган амаллардир. Улардаги давлат ва қудрат етгандан сўнг бу гўзал фазилатлардан асар ҳам қолмайди, чунки унда ботин зоҳир устидан тантана қилган бўлур". Шу сабабдан, Навоий кечиримли бўлиш туйғусини ҳам энг аввало, қудратли бўлган зотларда кўришни истайди:

Эрур ҳам авф хўбу хўброқ ул
Ки, зоҳир бўлғой
эл топғанда қудрат.

Навоий талқинида инсонийликнинг учинчи шарти — бу, ато, яъни саховатдир. Ўтмишда ҳам бугун ҳам саховат мардликнинг энг олий кўриниши сифатида қадрланади, ҳаттоки, жасоратдан ҳам устун қўйилади. Навоий саховатни "турфа иш", яъни ажойиб, гўзал бир иш, дея таърифлайдилар. Саховат ва жўмардликни бундай сифатлашга Зуннун Мисрийнинг қуйидаги ҳикмати асос бўлган эса, ажабмас: "Мен хайрэҳсондан гўзалроқ амални кўрмадим, чунки эҳсонни олувчи ўз ризқини олмоқда, унинг ризқини етказувчи эса Парвардигорнинг ўзидир, мен эса шунчаки воситачи бўлганим учун улкан соҳиби ажр бўлишга имконим бор". Ана шу ҳикматни англаган инсон ҳеч қачон берган нонини, қилган яхшилигини миннат қилмайди, бу билан мақтанмайди, сохта обрў орттириш учун бойлигини кўкка совурмайди:

Ато ҳам турфа ишдур,
турфароқ бил,
Агар йўқдур анинг ёнида
миннат.

Устоз Навоий ушбу қитъаларига "Ҳукамо қавланинг таржимаси инсоният бобида" деб сарлавҳа қўйганлар. Шунинг учун хоксорлик, саховатпешалик ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар эканлар, ўз сўзларини ҳаким номидан тугаллайдилар:

Ҳаким инсони комил
дебдур они
Ки, бўлғай зотидабу
неча ҳислат.

Кўҳна Шарқнинг минг йиллар бурун асос солинган комиллик мактаблари бизнинг руҳимиз ва ақлларимизни ҳар лаҳза чархлаб тургувчи муршид ва устозларга эга. Юқорида уммондан қатра қабилида келтирилган икки-уч байт орқали биргина комиллик мартабаси ва шартлари ҳақида сўз юритдик. Худди шу ахлоқий дастурларни яратган Ҳазрат Навоийнинг ўзлари комилликнинг олий намунаси эдилар.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг тадқиқотчиси

СПОРТ

НЕЪМАТ ЯНА ҒОЛИБ



Иқтидорли теннисчиларимиздан бири Неъмат Шофайзиев ўсмирлар ўртасида Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидаги турнирларнинг жуфтлик баҳсларида кетма-кет иккинчи марта ғолибликни қўлга киритди.

Н.Шофайзиев ва В.Поляков финалга қадар мезбон теннисчилар – Абдуллоҳ Али ва Сауд Алини 6:4, 6:2, россиялик Иван Верешчага ва Андрей Южнийни 6:3, 6:4, италиялик Жанмарко Касасе ва Стефано Наполитанони 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Ҳал қилувчи баҳсда Н.Шофайзиев ва В.Поляков жуфтлиги Россиядан келган теннисчилар – Сергей Дьяконов ва Иван Поляков билан куч синашиши лозим эди. Рақиб жамоа теннисчиларидан бирининг жароҳати борлиги туфайли финал ўйини ўтказилмади ва бош соврин Н.Шофайзиев ҳамда В.Поляков жуфтлигига насиб этди.

ЭРМАТОВНИНГ НАТИЖАСИ — ЭНГ ЯХШИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ҳар йили ўтказиладиган ОФК ҳакамлари учун ўқув-семинар курси давом этмоқда. Унда ҳакамлар жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳон топширишди. 36 нафар ҳакамдан тўрттаси ушбу синовдан ўта олмади. Синовда энг яхши кўрсаткични 2008 ва 2009 йиллардаги Осиёнинг энг яхши ҳаками Равшан Эрматов (Ўзбекистон) ва туркманистонлик Чоримурот Қурбоновлар қайд этишди. Япониялик Юичи Нишимура ва австралиялик Мэтью Бризлар ҳам имтиҳонни муваффақиятли топширишди.

БОКСЧИ ВАФОТ ЭТДИ

Африкалик боксчи Млунгиси Дламини жорий йилда WBA чемпионлик камари учун Полес Мозесга қарши рингга чиқиши керак эди. Бироқ жанг ўтказилмайдиган бўлди. Чунки африкалик чарм қўлқоп устаси яқинда автоҳалокатга учраб, вафот этди. Бу ҳақда The Richmark Sentinel газетаси ахборот тарқатди.

Млунгиси Дламини шу пайтгача профессионал рингда 22 та учрашув ўтказиб, уларнинг 21 тасида ғалаба қозонган. Яна бир жангда эса дурангга эришган эди.

ТЕРМА ЖАМОАДА МУРАББИЙ АЛМАШДИ

Мирон Маркевич футбол бўйича Украина терма жамоаси бош мураббийи деб эълон қилинди. Бу ҳақда Украина футбол федерацияси ижроия комитети маълумот тарқатди. Мирон Маркевич терма жамоани бошқариш билан биргаликда Харьков шаҳрининг «Металлист» клубида ҳам бош мураббий бўлиб ишлайверади. Унга Юрий Калитвинцев ёрдам беради.

Янги бош мураббий зиммасига Украина футбол федерацияси томонидан Euro-2012 мусобақасида ғолиб бўлиш вазифаси юклатилди.

Азим ИСМАТИЛЛОЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 249-мактаб томонидан 2005 йил 11-синфни тамомлаган Ибрагимов Абдурасул Абдумаликович номига берилган O'R-Sh 0190577 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Алишер НАВОИЙ

ҲАР НЕ ИСТАРСЕН, ЎЗУНГДИН ИСТАГИЛ

Кўп демак бирла
бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил
ҳайвон.

* * *

Илмни ким воситайи
жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

* * *

Нафъинг агар халққа
бешакдурур
Билки, бу нафъ
ўзунгга кўпракдурур.

* * *

Юз жафо қилса манга
бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо,
юз қатла фарёд айларам.

* * *

Халойиққа кўрма қилиб
бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

* * *

Ўз вужудингга тафаккур
айлагил,
Ҳар не истарсен,
ўзунгдин истагил.

* * *

Ел агар кўкка етса ҳам барибир енгил ва қадрсиз; тоғ агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир.

* * *

Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма одам тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди.

* * *

Ёлғон гапирувчи ғафлатдадир; сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлғондан ёмонроғи йўқдир.

* * *

Чин сўз — мўътабар; яхши сўз — мухтасар. Кўп сўзловчи — зериктирувчи; қайта-қайта гапирувчи — ақлдан озган. Айб изловчи — айбли; киши айбини гапирувчи — ўзига ёмонлик соғинувчидир.

* * *

Кимнинг миясида иллат бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди.

* * *

Сўз агар гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса, унга чинлик безаги етарлидир!

* * *

Ёлғон сўз шеърдан бошқа ерда номақбул.

* * *

Душман алдовига учма; маддоҳ хушомадини чин дема. Душманнинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир; мақтовчининг мақсади — хорлик билан сендан инъом олмоқдир.

* * *

Ақлли одам ёлғон гапирмас; аммо барча рост гапни айтаверіш ҳам тўғри эмас.

Гулжаҳон НАМОЗОВА тўплади.

СУРУР

Бойчечак — умид гули



Мактабдан қайтган қизим хонага югуриб кирди-да:

— Бувижон, ойижон, қаранглар, менда бир ажойиб гул бор! — деди.

Ҳақиқатан ҳам, унинг қўлида бир даста оппоқ, қўнғироқчага ўхшаш гуллар бор эди.

— Дугонам Шоиранинг уйига борган эдим. Бу гул ҳовлиларининг бир четида очилиб турган экан. Онасидан сўраб, териб олдим. Бу ўзи қанақа гул, бувижон? — деди у болаларча қувноқлик билан.

Онам унинг қўлидан гулларни авайлабгина олди-ю, ҳидлаб, кўзларига сурди ва шукрона оҳангда шундай деди:

— Бу — бойчечак. У ўлкамизда февраль ойидан бошлаб очила бошлайди. Бу гул баҳорнинг илк элчиси. Баҳор яқин, болам.

Онамнинг бу гапларидан сўнг бир ривоят ёдимга тушди. Айтишларича, Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннат боғларидан бадарға қилинган пайтда қор ёғаётган экан. Совуқнинг заҳри Момо Ҳавонинг жон-жонидан шу даражада ўтибдики, у қишнинг қачонлардир тугашидан бутунлай умидини узиб, тушкунликка тушибди. Унинг бу аҳволига бир фариштанинг раҳми келиб, аёлнинг кайфиятини кўтариш учун қор парчаларини бойчечакларга айлантирибди. Момо Ҳаво уларни кўриб, кўзи қувнабди-да, умид билан кўклам келишини кута бошлабди...

Хаёлимни онамнинг сўзлари бузди:

— Шу кунларга етказганига шукр!

Лобар РАҲИМЖОНОВА

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 17183 Буюртма — Г-126 123